O'ZBEKISTON ...

# Сизга таъзим устоз, муаллим!

**Da'vat**

*Haq yo'lida kim senga*
*bir harf o'qitmish ranj ila,*
*Aylamak bo'lmas ado*
*oning haqin yuz ganj ila.*

**Alisher NAVOIY**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган. 2002 йил 1 октябрь, сешанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 78 (7481)

**Ibrat**

*O'qituvchilar va murabbiylar kuniga bag'ishlab Toshkent viloyatida o'tkazilgan tantanada viloyat hokimligi tomonidan eng namunali deb topilgan Zangiota tumanidagi 42-maktabga 500 ming, Angren shahridagi 14-maktabga 400 ming, Bekobod shahridagi 16-maktabga 300 ming so'm miqdorida mukofot puli ajratildi.*

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Азиз дўстлар!**

**Маърифатпарвар халқимиз келажак бунёдкори, деб эъзозлайдиган, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, муҳтарам устозларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.**

**Бу қутлуғ кунни биз доимо зўр ҳаяжон билан, ҳар биримизга сабоқ берган, ҳаёт илмини ўргатган фидойи муаллим ва мураббийларимизга чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан нишонлаймиз.**

**Бунинг боиси шундаки, эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки уларнинг қалбига она Ватан меҳрини, юксак фазилатларни сингдирадиган, бутун ҳаётини жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга бағишлаган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.**

**Шу маънода, бутун Ўзбекистон болаларига ўз ота-онасидек яқин ва меҳрибон бўлган сиз, муҳтарам мураббийларга, юзлаб, минглаб заҳматкаш ўқитувчиларимизга Ватан ўз келажагини ишониб топширган, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.**

**Қадрли устозлар!**

**Дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахту иқболини кўришни орзу қилиб яшайди. Мен учун ҳам юртимизнинг ёруғ истиқболини, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг камолини кўриш фаолиятим, бутун ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк орзу, буюк мақсаддир.**

**Ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, бутун дунёда тан олинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда мен сизларни ўзимнинг энг яқин маслакдошим, сафдошим ва ёрдамчиларим деб биламан.**

**Ўз навбатида шуни ҳам айтмоқчиманки, бугунги мураккаб замонда ўқитувчи ва мураббийларимиз олдида турган ўта долзарб вазифаларни ҳал этиш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришда давлатимиз керакли ёрдамни аямайди, таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш, бу борада янада салмоқли натижаларга эришиш учун ҳамма имкониятларни ишга солади.**

**Сизларга ўзимнинг чуқур ҳурматимни изҳор этар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ***ФАРМОНИ***

## Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Ватанимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод қалби ва онгида замонавий дунёқараш асосларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"**

**Авазова Шукурзя Авазовна** — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Алимова Хабиба Турсуновна** — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ачилов Рузимурат** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 10-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Бобоев Бобо Убайдуллаевич** — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Вальяно Елена Дмитриевна** — Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 5-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Махмудова Олия Тешаевна** — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 3-мактабнинг математика ва чизмачилик ўқитувчиси

**Ражабов Даврон** — Навоий вилояти Навоий туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Раймов Худойназар Сидиқович** — Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 13-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Саитмуродов Жолмурод** — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 12- мактабнинг биология ўқитувчиси

**Саттаров Хамза** — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 27-мактабнинг география ўқитувчиси

**Узақов Абдималик Ибраймович** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 2-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Холматов Аҳмаджон Алиматович** — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги лицей-интернатнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

**Юлчиев Қўчқар** — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 10-мактабнинг биология ўқитувчиси

(Давоми 2-бетда)

## УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ

***Шу кунларда ўзининг ўн йиллик тўйини нишонлаётган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида мамлакатимизнинг энг йирик олий ўқув юртлари ректорлари ҳамда юртимизга ташриф буюрган нуфузли хорижий илм масканлари раҳбарлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтди.***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг университет ташкил этилганлигига ўн йил тўлиши муносабати билан ўқитувчи ва талабаларга йўллаган табригини ташқи ишлар вазири, мазкур олий қув юрти ректори А.Комилов ўқиб эшиттирди.**

**Университет юбилейига бағишланган илмий конференция «Халқаро муносабатлар соҳаси мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш: тажриба ва истиқбол» мавзуида ўтди.**

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ташкил этилган илк олий ўқув юрти бўлмиш мазкур университет ўтган вақт давомида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасидаги энг нуфузли илм масканларидан бирига айланди.**

**1992 йил 23 сентябрда мамлакатимиз Президенти Фармонига биноан ташкил этилган университетни шу кунгача икки мингга яқин юқори малакали мутахассис битириб чиқди. Уларнинг аксарияти ҳозир мамлакатимиздаги нуфузли вазирлик, идора ва муассасаларда ҳамда юртимизнинг хориждаги элчихоналарида, йирик фирма ва компанияларнинг ваколатхоналарида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Университетнинг уч юздан зиёд талабаси таҳсилни дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида давом эттиряпти.**

**Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.**

**(ЎзА)**

## "МУАЛЛИМ ДЕСАЛАР МЕНИ ҚАНИЙДИ"



28 сентябрь куни Ўзбек миллий академик драма театри биносида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш ва байрам концерти бўлиб ўтди.

Давлатимиз мадҳияси ижроси билан очилган тантанада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан йўллаган байрам табриги"ни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Бу йилги байрам тантанаси аввалгиларидан ўзига хослиги билан ажралиб турди. Яъни, ушбу кунги тантанали маросим "Устозга таъзим" номи остидаги ўзига хос сюжетга эга мусиқий композиция кўринишини олди.

Маълумки, шу йил апрель ойида Халқ таълими вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда "Устоз — мураббийлар ҳақида энг яхши асар" кўрик-танловини эълон қилган эди. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов устозлар байрами арафасида ниҳоясига етган танлов ғолибларини эълон қилиб, уларга совға ва совринларни топширар экан, ўқитувчи ва мураббийларга тилакларини изҳор этди.

— Бугун муаллим тушунчаси фақат ҳарф ўргатувчи, сабоқ берувчи, дарс берувчи маъносидан кенг маънодаги мураббий, руҳ инженери даражасига кўтарилди, — деди халқ шоири. — Ёш бола асарнинг қўлёзмаси, қораламасига ўхшайди. Уни муаллим таҳрир қилиб, маромига етказади.

Ардоқли шоиримиз ўқиган ушбу шеър муаллимларга юксак эҳтиром рамзи сифатида янгради:

**Шоирга дедилар: Сиз бахтли инсон,**
**Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.**
**Шоир жавоб қилди: менда бир армон,**
**Муаллим десалар мени қанийди!**

Яқиндагина давлатимизнинг юксак мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган ўқитувчи Марат Зокиров ҳам дилида кечаётган туйғулар, энг яхши тилакларини изҳор этди.

Ёш болалар — мактаб ўқувчилари, халқаро фан олимпиадаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, ғолиб бўлган ўқувчилар, мактаб деб аталмиш муқаддас даргоҳда эндигина иш бошлаган ёш ўқитувчиларнинг шеърларга йўғрилган самимий байрам табриклари шодиёнанинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади.

**Reportaj**



(Давоми 3-бетда)

## ФАХРИЙ ВА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР БАЙРАМИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан 1-Тошкент педагогика коллежида ҳам қизғин тарзда байрам тадбири бўлиб ўтди. Бу ерга йиғилган 30 нафардан ошиқ ушбу даргоҳда ишлаб, бугун нафақа гаштини сураётган фахрий устозларни атлас кўйлакли талаба қизлар ўзгача илтифот билан қарши олишди. Шунингдек, мазкур таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ҳам бу байрамнинг муносиб меҳмонлари бўлишди. Байрам тадбири алоҳида безатилган залда, яъни турли шиорлару ҳар хил рангдаги шарларга мос равишда талабаларнинг бир хил алвон рангга бурканиб ўтиришлари ўзгача шукуҳ ва файз бағишлади. Коллеж бадиий жамоасининг чиқишлари, шеър ва қўшиқларининг баралла янграши — устоз-мураббийлар қаноти остида улғаяётган бўлажак педагоглар қалбини олам-олам завққа тўлдирди. Умрини муаллимлар тайёрлашга бағишлаган марҳум устозлар ёдга олинди. Байрам баҳона бирбирлари ила дийдорлашган фахрий устозлар билан талабалар гўё авлодлар учрашуви номини олди. Бу учрашув қалби дарё мураббийлар юрагида бир умр сақланажак.

**Ғ.ЖАБИЕВ**

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### OQSAROYDA QABUL

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 30-sentabr kuni Oqsaroyda "Daymler Kraysler AG"konserni boshqaruvi a'zosi, Sharqiy Yevropa, Boltiqbo'yi, Kavkaz va Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan hamkorlik bo'yicha Germaniya iqtisodiyoti qo'mitasi rahbari Klaus Yurgen Mangoldni qabul qildi.**

**Suhbat chog'ida O'zbekiston bilan mazkur kompaniya o'rtasida istiqbolda amalga oshirilishi ko'zda tutilayotgan loyihalar, iqtisodiy dasturlar yuzasidan fikr almashildi.**

### KONFERENSIYA ISH BOSHLADI

**Toshkent avtomobil yo'llar institutida boshlangan avtomobil-yo'llar ta'limining xalqaro integrasiyasiga bag'ishlangan ilmiy-amaliy konferensiya O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Xalqaro avtomobil va yo'llar ta'limi uyushmasi, "O'zavtosanoat" davlat uyushmasi, "O'zavtoyo'l" konserni va "Toshshaharyo'lovchi trans" uyushmasi tomonidan tashkil etilgan. Ilmiy-amaliy konferensiyada mazkur sohada kadrlar tayyor-lash konsepsiyasini ishlab chiqishga alohida e'tibor qaratiladi.**

### YANGI KOLLEJ QURILDI

**Farg'ona shahrida zamonaviy me'morchilik andozalari asosida qurilgan yangi tibbiyot kolleji 1 oktabr — O'qituvchilar va murabbiylar kuni munosabati bilan foydalanishga topshirildi. Qurilish-montaj ishlariga 800 mln. so'm mablag' sarflandi. 700 mln. so'mlik o'quv-tibbiyot jihozlari o'rnatildi. Bugun 750 nafar yoshlar kollejda dastlabki tahsilni oldilar.**

### SEMINAR YAKUNLANDI

**"Ekosan" xalqaro hayriya jamg'armasida "Orol-Amudaryo mintaqasi, suv ta'minoti, irrigatsiya, sog'liqni saqlash muammolari" mavzuida seminar o'tkazildi.**

**Mamlakatimizdagi mavjud bu kabi muammolarni bartaraf etish borasida Germaniya, Italiya va O'zbekiston olimlari hamkorlikda tadqiqotlar olib borishmoqda.**

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИЛАДИ — 3-бет

УСТОЗЛАР ҚАДР ТОПГАН КУН — 3-бет

XXI АСР ПЕДАГОГЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА — 5-бет

ИЛМ — САОДАТ БЕШИГИ — 6-бет

ДАРАХТ ТАГИДА УХЛАМАНГ — 8-бет

РУҲ ТАҲЛИЛИ (Test) — 8-бет

*Ҳукуматимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлган барча ўқитувчилар ва мураббийларни самимий муборакбод этамиз!*



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ***ФАРМОНИ***

# Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими"

**Абдуллаев Нигмат Убайдуллаевич** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори

**Абдуллаева Ўғилхон** — Наманган вилояти Наманган туманидаги 13-мактабнинг директори

**Арбобов Ҳалим Ҳакимович** — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 21-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Джураева Зулхумор Хайдаровна** — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 9-мактабгача таълим муассасаси мудираси

**Муйдинова Мукарам Тўраевна** — Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти "Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари" кафедраси мудираси

**Мухторов Урок Шодиевич** — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Разиков Хабибулло Ашурович** — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг ўқитувчиси

**Расулов Норали** — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими мудири муовини

**Турдиев Нарзикул Шеранович** — Республика таълим маркази директорининг ўринбосари

**Халмедова Миневер Оразбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Хотамов Изатулла Унгалович** — Жиззах вилояти Зафаробод туман халқ таълими бўлими мудири

**Худойбердиев Рустамжон Одилович** — Фарғона вилояти Ўзбекистон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси

**Якубов Шамурат** — Қашқадарё вилояти Косон туман халқ таълими бўлими методисти

**Якубов Рўзикул** — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ҳамроев Мухиддин** — Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 14-мактаб-интернат директори

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Абдуллаев Эркин** — Навоий вилояти Нурота туманидаги 6-мактабнинг тоштарошлик бўйича тўгарак раҳбари

**Акбаров Азат Юлдашевич** — Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси

**Алимов Талибджан Кличович** — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори

**Алмамедова Рохила Иноятовна** — Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 49-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Атажанов Азимбой** — Хоразм вилояти Шовот тумани халқ таълими бўлимининг жисмоний тарбия фани методисти

**Волгин Игорь Борисович** — Андижон вилояти Асака шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар техник ижодиёт маркази тўгарак раҳбари

**Дарханов Абдували** — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 30-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Кунгиротов Алламурот** — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 10-ихтисослашган мактаб-интернат директори

**Маматов Мамаюсуф Исакулович** — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 17-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Пак Маргарита Афанасьевна** — Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 195-мактаб-гимназия директори

**Пўлатов Шукур** — Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Сидиков Сабир** — Фарғона вилояти Қува туманидаги 25-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Собиров Бахриддин Пўлотович** — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг математика ўқитувчиси

**Ходжаева Аманбике** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 9-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари

**Холматова Шарифа** — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

**Кононеров Валерий Сергеевич** — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 19-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Куваков Алим** — Хоразм вилояти Боғот туманидаги 1-спорт мактабининг мураббийси

***Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш, ёш авлодни ватанпарварлик, дўстлик ва тотувлик руҳида, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун ҳамда ўзининг фидокорона меҳнати ва юксак фазилатлари билан эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор топган қуйидаги юртдошларимиз мукофотлансин:***

### "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

**Абдувохидов Абдукадир Ишманович** — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 82-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Абдулхакова Мархаба** — Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 284-мактабнинг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси

**Ахмадбеков Якубжан** — Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 46-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Жумаев Курбон Имомович** — Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 15-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Маматов Асқар Акбарович** — Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 17-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Назаров Суюн** — Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 18-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Оллаберганов Абдушарип** — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 39-лицей-интернатнинг биология ўқитувчиси

**Тураев Абдусамат Маматкабулович** — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 10-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Тураева Шафоат Дониевна** — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 6-мактабнинг директори

**Убайдуллаев Хамра** — Тошкент вилоят педагогика институти "География ва экология асослари" кафедрасининг доценти

**Утегенов Куатбай Каллибекович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туман болалар санъат мактаби директори

**Халиков Мамарузи** — Андижон вилояти Андижон туманидаги 15-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Якубов Саиб** — Бухоро вилояти Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими мутахассиси

**Ғуломов Худайберди** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 22-мактабнинг кимё ўқитувчиси

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Атабаева Рано** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармасининг бошлиғи

**Акрабов Ботир Турабоевич** — Фарғона вилояти Сўх туманидаги 7-мактабнинг директори

**Бухин Владимир Анатольевич** — Тошкент шаҳри А.Икромов туманидаги 44-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Змиевская Людмила Ефимовна** — Тошкент давлат техника университети қошидаги лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

**Икрамов Темурали** — Наманган вилояти Чуст тиббиёт коллежи ижтимоий фанлар ўқитувчиси

**Каримова Саодат Ашуровна** — Навоий вилояти Кармана туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Лалаханов Байтура** — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 16-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

**Латыпова Гулноз Акрамовна** — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 4-мактабнинг директори

**Мамаджанов Мурат Саттиевич** — Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги ўқувчиларни ҳуқуқий касбга йўналтирувчи республика лицейи директори

**Мещерякова Светлана Михайловна** — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 32-мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

**Муродов Шайдулла Боймуродович** — Сурхондарё вилояти Ангор педагогика касб-ҳунар коллежи она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Мусамухамедов Мухамматрахим Ризаматович** — Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейининг математика ўқитувчиси

**Нурметова Саляжан** — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-лицей-интернатнинг немис тили ўқитувчиси

**Сафиева Гульсум Жумакуловна** — Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 20-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Торениязов Жуманияз** — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 13-мактаб директори

**Турдалиев Абдусаттор Абдулпаттаевич** — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 24-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

**Турсунов Сафар Алладустович** — Самарқанд вилояти Нурobод туманидаги 24-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Турғунова Маҳаррамхон Муталлибжоновна** — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 10-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Ходжаев Хушнудбек Абидинович** — Андижон вилояти Андижон педагогика коллежи хор дирижёри

**Шакарбоев Эшанкул** — Жиззах вилояти Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи физика ўқитувчиси

**Ғаффоров Хушмурот** — Қашқадарё вилояти У.Юсупов туманидаги 3-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

### I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Адизов Гайбулло Раджабович** — Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 25-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Алланазаров Қаландар** — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 29-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Джураева Мавжуда** — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 9-мактабнинг география ўқитувчиси

**Исманова Саодат Джамалдиновна** — Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Исматов Сайдулло Бозорович** — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 22-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Исмоилова Нусрат** — Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "Ғунча" номли мактабгача таълим муассасасининг мудираси

**Каттакулова Урал Яркуловна** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Кузиева Шоира Ходиходжаевна** — Республика Рассомлик коллежи рангтасвир ўқитувчиси

**Курьязов Хушнуд Бабаевич** — Хоразм вилояти Урганч тиббиёт коллежининг директори

**Муминова Мавлудахон** — Наманган вилояти Норин туманидаги 5-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мўминов Олим Умарович** — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Окбутаева Робияхон** — Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 5-мактабнинг чизмачилик ўқитувчиси

**Сабуров Оразали** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот шаҳридаги 9-мактабгача таълим муассасасининг мусиқа раҳбари

**Хайдарова Мухаббат** — Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 43-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Ҳамзаева Самара Мирзаевна** — Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

### II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Абдуллаева Анаргуль Палуаниязовна** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 38-боғча-мактаб мажмуасининг директори

**Абдумаликов Шайзоқ** — Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 14-мактабнинг психологи

**Абдурашидова Мухаррамхон** — Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Донаева Галия Гайсимовна** — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Дурманова Айгуль Акбаровна** — Фарғона вилояти Қиргули тумани "Нефтчи" спорт клубининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**Дусиёров Хуррам** — Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 79-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ергашова Карима Амантурдиевна** — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Кличева Фрида Мубиновна** — Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги 69-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

**Кудратова Санобархон Рахматуллаевна** — Наманган вилояти Поп туманидаги 35-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Курбанова Турсун Тагаймуратовна** — Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ниязметова Гавхар Ибрагимовна** — Хоразм вилояти Хива туманидаги Меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

**Саидазизова Сурая Саидовна** — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 37-ёрдамчи мактабнинг логопед ўқитувчиси

**Тоганасова Алмагул Абдикаримовна** — Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Умирзаков Амир** — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 5-мактабнинг биология ўқитувчиси

### "Дўстлик" ордени билан

**Аитов Рафаиль Наильевич** — Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги 1-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Гладышев Валерий Васильевич** — Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 145-мактаб директори

**Давлетбаева Нурия Мансуровна** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 32-физика-математика лицейининг кимё-биология ўқитувчиси

**Долгова Наиля Якубовна** — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи директори

**Дўстмуротов Пирмат** — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

**Исмаилова Нурие Мустафаевна** — Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 7-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Ким Искра Дмитриевна** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги ихтисослашган мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Ким Клавдия Константиновна** — Андижон вилояти Асака туманидаги 34-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Ким Роза** — Самарқанд вилояти Боғишамол туманидаги 12-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

**Назаров Тенгизбой Абдижанович** — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Неблиенко Наталья Михайловна** — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 5-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Оспанов Рафаэль Манановнч** — Тошкент шаҳридаги 23-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси

**Перетрухина Галина Павловна** — Наманган вилояти Давлатобод туман халқ таълими бўлимининг мактабгача тарбия услубчиси

**Рашидов Хикматулла Фатхуллаевич** — Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори

**Туймурадов Мухаммадкул Худойкулович** — Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Хожиев Курбон Ражабович** — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 5-мактабнинг директори

**Чефранова Людмила Ивановна** — Жиззах вилояти Дўстлик туман халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим услубчиси

**Ўринова Минавар** — Хоразм вилояти Урганч туманидаги 1-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Курбанбаев Мухам** — Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 1-мактаб-лицейнинг директори

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги фаол иштироки, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим-тарбия бериш, уларда эл-юртга садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини шакллантириш борасидаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### "Шуҳрат" медали билан

**Абдуазизова Зулфия Хайруллаевна** — Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 7-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

**Абдуллаева Тайифа Эргашевна** — Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 7-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Абдуразакова Зумайра Шарабидиновна** — Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 48-мактабнинг география ўқитувчиси

**Абдурахмонова Мавлюда Маматовна** — Фарғона вилояти Риштон туманидаги "Ёш техниклар ижодкорлик уйи" директори

**Авезов Уринбай Хаитбаевич** — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 29-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

**Азимова Муаззам Холовна** — Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 16-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Аманова Рахима Абдурахмановна** — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги ихтисослашган мактаб-интернатнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Амонов Абил Туропович** — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 16-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Артикбоева Барно Бердияровна** — Сирдарё вилояти Ш.Рашидов туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Артыкова Улбусын Жиемуратовна** — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 4-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

**Ахматкулов Саидахмат** — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 33-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Ахмедова Раъно Мустафакуловна** — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 10-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Аширбекова Загипа Калиевна** — Навоий вилояти Конимех туманидаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Бакирова Муножат Джахангировна** — Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги 289-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси

**Бегматова Манзура** — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 19-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Бекчанов Кобулжон Салаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 3-мактабнинг география ўқитувчиси

**Бердикулова Зеби Бобокуловна** — Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 4-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Бозарова Соҳиба** — Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги 56-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Боймуродов Абдусодиқ Ўралович** — Жиззах вилояти Зомин туманидаги 2-лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

**Боймуродов Тошпўлат** — Тошкент вилояти Пскент туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Бувабекова Ибадат Туртаевна** — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Гайипова Замирахон Ибрагимовна** — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ганасюк Наталья Яковлевна** — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 14-мактабгача таълим муассасаси мудираси

**Грибанова Татьяна Александровна** — Тошкент шаҳри Мирobод туманидаги 158-мактаб директори

**Гулямова Бибиражаб Хадиевна** — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 119-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Деҳқонов Махамат Курбоналиевич** — Фарғона вилояти Бағдод туманидаги иқтидорли ўғил болалар лицей-интернатининг математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

**Джураев Мукарам Зунунович** — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 9-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Дурдиев Худайберган** — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 45-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Ешчанова Кўширай Казаковна** — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 40-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Жўраев Абдирахим Жабборович** — Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 28-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Исақов Эркинбой** — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 5-мактабнинг тарих ва давлат ҳуқуқи асослари ўқитувчиси

**Исомова Гулчехра** — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 14-мактабнинг география ва биология ўқитувчиси

**Камалова Норжон Хамроевна** — Бухоро вилояти Олот туманидаги 5-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Каршиева Мавжуда Эсановна** — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Ким Сергей Максимович** — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Ким Лев** — Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Коразбеков Бабанияз Баймуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли туманидаги 3-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Курбаниязов Климент Тлеумуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори

**Мамадалиев Абдувохид Исоқович** — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Мамажонов Абдумажид Сотволдиевич** — Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидаги 35-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Мамажонова Розахон Мамажоновна** — Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 28-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Маматов Саъдулло** — Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 23-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Мамталиева Феруза Абдулхамидовна** — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Махсудова Нартажи Абдужалиловна** — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 4-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Миннибаева Факия** — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 4-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Муминова Шахриниса Маликовна** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 18-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Мустафакулов Абдунаби** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 4-мактабнинг директори

**Мухтарова Ханифа Каримжановна** — Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туманидаги 20-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Норкобилов Норбута Жуллиевич** — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги А.Ҳайдаров номидаги ихтисослашган мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Норкулов Бахрон Умарович** — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 27-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Нуртаева Салима Каримовна** — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 7-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Равшанов Найим Рахмонович** — Навоий педагогика институти қошидаги академик лицейнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

**Рахматова Зулхумор Нарзуллаевна** — Бухоро вилояти Қоровулбозор туман халқ таълими бўлими қошидаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази раҳбари

**Раҳмонова Зулфия Махмудовна** — Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 24-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Раҳмонова Муҳаббат Ғафуровна** — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 14-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Рустамова Рахима** — Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 29-таянч мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Салиева Дильбархон Халматовна** — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 10-мактабнинг география ўқитувчиси

**Салимова Мухаббат Усаркуловна** — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 16-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Саттаров Ибадулла** — Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Ташпўлатов Дўсназар Курбонович** — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 69-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Тилемисов Онгарбай** — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 26-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Тиллаев Иброхим Мунимхонович** — Наманган вилояти Косонсой туманидаги 8-мактабнинг директори

**Тожиев Тўлқин Тожиевич** — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 13-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

**Тохтасимов Шухрат Махмутович** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг мумтоз рақс ўқитувчиси

**Тухтаматова Рузибу Ибрагимовна** — Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 22-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

**Тўраева Сайёра Тошпулатовна** — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 23-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Фозилов Турсунбой Хошимович** — Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

**Хайитматова Рамзия Расуловна** — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 22-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Хакимова Анаргул** — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 61-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Хакимова Назира Мусаевна** — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Хамидова Гулчехра Усановна** — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Холбаев Жуманазар Бурханович** — Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 13-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Холиёров Турғун** — Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 121-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Холикова Халовот** — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 19-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Хужаяров Жуланбай** — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 19-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Шаймарданов Мумин** — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 15-ихтисослашган мактаб-интернатнинг кимё ўқитувчиси

**Шамекеева Улбосын Ережеповна** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 16-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

**Ширинова Салима** — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Шымбергенов Еркебай Кабылович** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги Кўтанкўл қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Эшимов Тургунбай** — Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Эшматов Шермат** — Андижон вилояти Бўз туманидаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Юсвалиева Муҳаббат Хикматовна** — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 20-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Юсупова Мухаббат Ахмедовна** — Фарғона вилояти Данғара туманидаги 25-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Якубова Хатича** — Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 27-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Ҳасанов Усмон** — Бухоро вилояти Ғиждувон туман халқ таълими бўлимининг услубчиси

**Ҳикматова Раҳима** — Бухоро вилояти Пешку туманидаги 5-мактабгача таълим муассасасининг услубчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2002 йил 27 сентябрь.*

## Hay'at yig'ilishida

# ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИЛАДИ

*Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат мажлисида Самарқанд вилояти умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника ва ўқув моддий асосларини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Бекмуродов ва вазирликнинг таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси бошлиғи З.Холматов ахборотлари тингланди.*

*Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш, таълимнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини ҳозирги замон техник воситалари, мактаб мебеллари, фан кабинетлари ва лабораторияларини жиҳозлаш, барча қулайлик ва имкониятларга эга бўлган мактаблар қуриш ва мавжуд мактаблар биноларини капитал таъмирлаш билан ҳам бевосита боғлиқ.*

*Шу боис, Самарқанд вилояти таълим муассасаларида юқоридаги вазифалар юзасидан ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича вилоят ҳокимининг 2001 йил 17 июлда "Вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув моддий асосини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги 163-К-сонли қарори чиқарилиб унда 2001-2005 йилларга мўлжалланган режа бўйича махсус фармойишлар қабул қилиниб, ўқувнинг техник воситалари ва жиҳозлари, мактаб мебеллари, дарсликлар билан таъминлашни яхшилаш ҳамда мактаб биноларини таъмирлаш учун ҳар бир туманга 100-120 млн. сўмлик амалий ёрдам кўрсатилган.*

*Мазкур туманларда таълим тизимини янада ривожлантириш юзасидан қўшимча режа-тадбирлар тузилиб, ижроси назоратга олинган.*

*Таълим муассасалари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун жорий йилда қаттиқ жиҳозлар ва фан кабинетлари жиҳозларини сотиб олиш учун 621871 минг сўм, умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари биноларини капитал таъмирлаш учун 287500 минг сўм, жами 1319141 минг сўм ажратилиши режалаштирилган. Ўтган давр мобайнида рубероид билан қопланган томларни шиферли томга алмаштириш учун вилоят бўйича 218112 кв.м. шифер олиниб 142 та таълим муассасалари бино томлари капитал таъмирлашдан чиқарилди. Мебеллари яроқсиз ҳолга келиб қолган мактабларга 5867 комплект парта, 364 дона синф доскаси, 354 дона ўқитувчилар столи ва стуллари етказиб берилган.*

*Вилоят халқ таълими бошланган. 13088 комплект ўрнига 5860 (41,5 фоиз) комплект ўқув партаси, 1201 дона синф доскаси ўрнига 364 дона (31 фоиз). 2961 дона ўқитувчилар стол-стуллари ўрнига 354 та (12 фоиз) стол-стуллар билан таъминланган.*

*Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув моддий асосларини мустаҳкамлаш ишлари ҳам сусткашлик билан олиб борилмоқда. Вилоятдаги 1179 та мактабдан 473 тасида кимё фони хоналари (40 фоиз), 487 тасида физика хонаси (41 фоиз) мавжуд. Улар ҳам вазирлик томонидан тасдиқланган рўйхат асосида жиҳозланмаган. Айниқса, фан кабинетлари ва ўқув лаборатория хоналарини жиҳозланиши Қўшработ (12 фоиз), Ургут (15 фоиз), Пайариқ ва Иштихон (21 фоиз) туманларида пастдир. 2002 йил режа-дастури бўйича жорий йилда 197 та мактабнинг кимё хонаси жиҳозланиши керак эди. Амалда эса йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида фақатгина 38 таси (20 фоиз) жиҳозланган. Режалаштирилган 206 та мактабдан 36та (17 фоиз) мактабнинг физика хонаси жиҳозланган.*

*Бир сўз билан айтганда, вилоят халқ таълими муассасалари моддий-техника ва ўқув моддий асосларини мустаҳкамлаш дастури тасдиқланган эди.*

*Бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида ўтган 2001 йилда ушбу дастурда белгиланган режалар асосан бажарилганлиги, дастурнинг 2002 йилги режасини бажаришда ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим фанлари бўйича ўқув кўргазмали қурол ва воситаларнинг намунавий рўйхати" асосида умумтаълим мактабларини жиҳозлашда Самарқанд вилояти таълим муассасалари бўйича бир талай амалий ишлар олиб борилганлиги таъкидланди.*

*Жорий йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳридаги "Эл" очиқ турдаги акционерлик жамияти ва вилоят Халқ таълими бошқармаси барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари ва умумтаълим фанлари бўйича тажрибали ўқитувчилар иштирокида амалий йиғилиш ўтказди. Натижада шу йилнинг 8 ойи мобайнида вилоят бўйича 38 мактабда кимё фани, 36 мактабда физика фани кабинетлари ташкил этилиб, улар учун барча маблағлар ҳисобидан Самарқанд шаҳридаги "Эл" акционерлик жамиятидан 133,2 млн. сўмлик ўқув-лаборатория жиҳозлари олиниб, жойларга етказилди.*

*Мактабларнинг ўқув моддий базасини яхшилаш бўйича олиб борилган ташкилий ишлар натижасида вилоятдаги кимё ҳамда физика фани хоналари ва ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланган мактаблар сони 9,3 фоизга кўпайтирилди.*

*Белгиланган чора-тадбирлар ва ҳокимликнинг таълим муассасалари моддий базасини яхшилаш бўйича қабул қилган бошқа қарорлари ҳар ойда вилоят ҳокимлиги, ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган мажлисларда муҳокама қилиб борилмоқда. Жумладан, вилоят ҳокими раҳбарлигида Пастдарғом, Пахтачи, Пайариқ, Қўшработ, Нуробод, Тойлоқ, Нарпай туманларида ўтган "Мактаблар куни" натижаси қармаси тасарруфидги таълим муассасалари томонидан бюджетдан ташқари маблағ топишда ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.*

*Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан 43288,2 минг сўм, пуллик хизматдан 23664,9 минг сўм, бошқа турлардан 117294,9 минг сўм, ишлаб чиқаришдан 13274,8 минг сўм, ҳомийлар томонидан 504524,5 минг сўм жами 702047,3 минг сўм миқдорида маблағ топилди.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоятдаги 280 та мактабда ҳисоб рақамлари очилган. 421 та мактабга 415,2 гектар экин майдони ажратилган. Ундан олинган даромад муассасанинг моддий негизини мустаҳкамлаш, қўшимча синфхоналар қуриш ва мавжуд биноларни таъмирлаш ишларига йўналтирилмоқда.*

*Шу билан бир қаторда умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техника ва ўқув-моддий асосларини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган.*

*2002 йил режа-дастурида 9080 ўқувчига мўлжалланган 17 та мактаб учун янги бинолар қуриб ишга туширилиши мўлжалланган. Ҳақиқатда эса жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига 3420 (39 фоиз) ўқувчи ўрнига эса янги мактаб бинолари фойдаланишга топширилди, 20 та таълим муассасаси тоза ичимлик суви билан таъминлашниши режалаштирилгани ҳолда 12 (60 фоиз) та таълим муассасаси ичимлик суви билан таъминланган.*

*124 та мактабга телефон алоқалари ўрнатиш мўлжалланган бўлса, амалда 4 (3,5 фоиз) та мактабга телефон ўрнатилди. 109 та ўқув компьютер синфи ўрнига 14 (13 фоиз) та мактаб ўқув компьютер синфи билан таъминстаҳкамлаш бўйича йўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилиб, жиддий камчиликларга йўл қўйган таълимнинг бошқарув органлари ва таълим муассасалари раҳбарларига интизомий чоралар кўрилди.*

*Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб ҳайъат мажлиси Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига қисқа фурсатлар ичида таълим жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктирилаётган мактаб биноларини таъмирлаш, ёқилғи жамғариш ишларини тугаллаш, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда жорий йил учун белгиланган режаларни бажарилиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаб, унинг бажарилиши устидан қатъий назорат олиб бориш бўйича қарорлар қабул қилди.*

*Ҳайъат мажлисида шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига 2002 йил 1 декабрга қадар тасарруфларидаги барча умумий ўрта таълим мактабларида фан хоналарини ташкил этиб, уларни 2001 йил июлда вазирлик томонидан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим фанлари бўйича ўқув-кўргазмали қурол ва воситаларнинг намунавий рўйхати" асосида маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда таъминлашни 2003-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, 2002-2003 ўқув йили давомида ҳар бир ўқув фанидан биттадан таянч мактабини белгилаб уларнинг фан хоналарини тасдиқланган рўйхат асосида тўлиқ жиҳозлаш вазифалари топширилди.*

*Қизғин баҳс ва мунозаралар асосида ўтган мазкур йиғилишга ҳайъат мажлисининг раиси, Халқ таълими вазири Р.Ҳ.Жўраев олиб борди.*

**Жаҳонгир МУСАЕВ**
**Халқ таълими вазирлиги матбуот сектори раҳбари**

# "МУАЛЛИМ ДЕСАЛАР МЕНИ ҚАНИЙДИ"





"Устозга таъзим" байрам тантанасининг мусиқий чиқишларини Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов бошлаб берди. Бу гал санъаткорлар барча олқишу гулдасталарни устозларга ҳадя этди.

Дилноза Исяминова, Авазбек Олимов, Нилуфар Раҳматова, Лариса Москалева, Севара Назархон ва бошқа ёш хонандалар ижросидаги қўшиқлар ҳамда дилбар рақслар байрам иштирокчилари кўнглини хушнуд этди.



Байрам шодиёналари ниҳоясида биз ўқитувчиларнинг таассуротлари, уларнинг ўй-фикрлари билан қизиқдик.

*Дилбар Йўлдошева, Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги А.Навоий номидаги мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси:*

— Бугун менинг қувончим чексиз, ҳаяжоним уммон қадар. Чунки эл ҳурматига, эъзозига сазовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Бу бахтга эса мен танлаган касбим — ўқитувчилик орқали эришдим. Шу боис ўйлайманки, агар менга яна қайта жон ато этилганида иккинчи ҳаётимда ҳам ўқитувчилик касбини танлаган бўлур эдим. Бир сўз билан айтганда, ўзимнинг касбим билан фахрланаман. Менинг отам (жойлари жаннатда бўлсин!) ҳам бизни ўқитувчиликнинг машаққатли, аммо тотли нони билан улғайтирганлар. Бугунги кунда эса укаларим, опаю-сингилларимнинг аксарияти ана шу муқаддас касб этагидан тутишган.

Мен учун бугунги куннинг яна бир қувончли томони шундаки, ижод намунам "Устоз—мураббийлар ҳақидаги энг яхши асар" кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўринга лойиқ топилди. Бу ҳам орзуларим амалга ошаётганлигидан далолат бермайдими?! Айниқса, мазкур кўрик-танлов голибларига фахрий ёрлиқларни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, устоз Абдулла Ориповнинг ўз қўллари билан топшириши ҳаётимнинг энг лазиз онлари бўлди, десам, муболага бўлмайди. Фурсатдан фойдаланиб, барча касбдошларимни, устоз-мураббийларни бугунги шодиёналар билан чин қалбимдан қутлайман.

*Шарофиддин ҲАСАНОВ, Андижон туманидаги 13-мактаб директори:*

— Ўқитувчини миллатнинг тарбиячиси, дейдилар. Дарҳақиқат, ўқитувчининг машаққатли меҳнати самараси ўлароқ, юрт келажагининг ворислари камол топади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳукуматимиз томонидан ўқитувчи-мураббийга қаратилаётган эътибор, бу Ватан тақдирига қайғуриш демакдир.

Бугун менинг ҳаяжоним чексиз. Зеро, бизга кўрсатилаётган бундай эҳтиром хизматимизга берилаётган бир баҳо деб ўйлайман. Айниқса, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ўқитувчилар ва мураббийларга йўллаган байрам табриги қалбимни ифтихорга тўлдириши қаторида биз, ўқитувчиларга юкланган масъулиятнинг нақадар оғир эканлигини яна бир бор ҳис этишга ундади.





*Зийнеп ДИЛИКЕЕВА, Нукус шаҳридаги 35-мактаб директори,- "Устоз — мураббийлар ҳақида энг яхши асар" кўрик-танлови 3-ўрин соҳибаси:*

— Ёшликдан бирор касбга қўйилган меҳр танланган касбнинг нақадар оғир бўлишига қарамай инсонни қийинчиликларни енгишга, ундан бахт топишга ундар экан. Мактабда ўқитувчиларимга берган меҳрим мени тиббиёт ўқув юртини тамомлаганимдан сўнг ҳам ўқитувчи касбини танлашимга туртки бўлди. Мана, бугун ортга боқсам, 30 йиллик умрим ана шу эъзозли касбга бағишланибди. Албатта, мен бундан фахрланаман. Зотан, ўқитувчи бўлиб эл-юртим ҳурматига сазовор бўлдим, кўплаб шогирдлар тайёрладим. Шогирдларим эса ҳозирда давлатимиз равнақи, унинг порлоқ истиқболи йўлида фаол меҳнат қилмоқдалар. Демак, уларнинг ютуғи — менинг ютуғим.



*Замира ТЕМИРОВА, Каттақўрғон туманидаги 61-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси:*

— Ўқитувчи — абадиятга дахлдор шахс. Зеро, унинг номи шогирдлари қалбида мангу паноҳ топади. Ўқитувчининг бахти ҳам шундадир. Мана шундай бахтли инсонлар қаторида эканлигимдан бошим осмон қадар. Бугун Ўқитувчилар ва мураббийлар байрамининг мана шундай муҳташам кошонада ўтказилиши ҳам бизга кўрсатилган ҳурматнинг бир намунаси деб биламан. Юртбошимизнинг биз ўқитувчиларга табриклари унутилмас воқеа бўлди.

Устозни эъзозлаган азиздир. Бизнинг юртимизда эса устозларга ҳурмат-эътибор ҳамма вақт бўлакча бўлган. Зотан, юрт эртаси ана шу меҳри дарё қалб тафтидан ҳарорат олиб улғаяди.

**Хусан НИШОНОВ,**
**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбирлари**

Суратларда: байрам шодиёналаридан олинган лавҳалар акс этган.
**Бурхон РИЗОҚУЛОВ** олган суратлар.

# БАЙРАМГА ТУҲФА

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги "Зарафшон" жамоа хўжалигида кўп йиллардан буён фаолияти тўхтаб қолган дам олиш санаторияси шу йилнинг июнь ойида вилоят ҳокимлиги томонидан халқ таълими бошқармаси тасарруфига ўтказилган эди. Ўтган тўрт ой давомида санаторий биноси қайта таъмирланиб, янгидан жиҳозланди. Бу ишларни амалга оширишда вилоятнинг шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ходимлари аҳиллик билан меҳнат қилдилар.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг соғлигини тиклаш, мароқли дам олишлари учун барча қулайликларга эга бўлган бу санаторий "Устоз" деб номланди.

Шу куни вилоятнинг турли туманларида таълим соҳасида самарали фаолият кўрсатаётган 60 нафар устоз-мураббийлар санаторийга қабул қилинди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан педагогларга бепул хизмат кўрсатилаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

"Устоз" — саломатлик ва экология марказида дам олувчилар учун кутубхона, ҳордиқ зали, фитобар, экологик тарбия хоналари, минерал сувлар билан даволаш бўлимлари ҳозирланган бўлиб, уларда асаб ва ҳаракат органи касалликларига чалинган беморлар даволанишади.

Даволаш маркази ўқитувчиларнинг касб байрамларида уларга совға сифатида ишга туширилди.

**Н.ШЕРБОЕВА**



# УСТОЗЛАР ҚАДР ТОПГАН КУН

Мамлакатимизнинг турли ўқув даргоҳлари қатори пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Муҳаббат Назарова номли 70 - мактаб жамоаси ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар кунини кўтаринки кайфиятда нишонладилар. Бу ерга ташриф буюрган туман ҳокимияти, халқ таълими бўлими, "Нуроний" жамғармаси вакиллари ҳамда мазкур мактабда фаолият юритиб ҳозирда нафақада бўлган отахону онахонлар байрамнинг асосий меҳмонлари бўлишди. Тадбирни мактаб директори Марфуа Аҳмаджонова байрам тилаклари билан очди.

— Нуроний устозларингизнинг ўгитлари, педагогик тажрибалари бугун ёшларга таълим-тарбия беришимизда дастуриламал бўлмоқда. Келажакда ўқитувчи бўлишни орзу қилган йигит-қизларимиз ҳам шу йўлдан борсалар асло кам бўлмагай, — деди у сўзи якунида.

Дарҳақиқат, бугун ушбу мактабда 1450 нафар ўқувчи таълим олишмоқда. Уларнинг бир неча нафари, айниқса, шундай айём арафасида ўқитувчи номининг қанчалар қадрли эканлигини ҳис қилишиб, бу касбни танлашни дилларига тугиб қўйган бўлсалар, не ажаб. Уларга меҳр билан дарс бераётган Нодира Қаюмова, Сайёра Абдувалиева, Дилфуза Ғаниева, Дилором Низомова, Гулруҳ Атамирзаева каби қалби қайноқ устозларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кечада Ўзбекистон халқ артисти Қувондиқ Искандаров ҳам меҳмон сифатида қатнашиб, дилтортар қўшиқлар ижро этди. Шунингдек, мактаб мусиқа ижрочилари жамоаси репертуаридан ўрин олган ашула ва рақслар байрам қувончига қувонч қўшди. Сўнгра меҳмонлар бир пиёла чой устида бир-бирлари билан мириқиб ҳамсуҳбат бўлишди.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

# КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

**Азиз устозларимизнинг байрамларини бутун юртимизда катта хурсандчилик билан кутиб олинмоқда. Эрталабданоқ кўчада ранг-баранг гуллар кўтарган ўқувчилар, болажонларни кўриб байрам кайфиятининг ўқувчилар қалбига кўчганининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Ана шу шодиёна куни кеча Чилонзор туманидаги Аброр Ҳидоятов номли 173- мактабда ҳам катта тантаналар билан нишонланди. Шу ерда таълим олаётган 7—синф ўқувчилари томонидан тайёрланиб, томошабинларга ҳавола этилган театрлаштирилган байрам дастури барча устозлар ва ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.**

**Тадбирни мактаб директори Гулчеҳра Зияева очиб, барчани байрам билан табриклади, йиғилганларга ўқишларида куч ва ғайрат тилади. Бирин-кетин намойиш этилган байрам дастурлари қизиқарли ҳамда қувноқлиги билан ҳаммани ўзига ром этди. Айниқса, атлас кўйлак кийган қизларнинг "Андижон полкаси"га рақсга тушишлари, устозларга бағишланган қизлар мушоираси мазмунлилиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб турди. Устозлардан Зумрад Ибрагимова, Гулчеҳра Баратова, Нодира Каримовалар ўқувчиларни тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этаётган ҳамкасбу устозларига самимий тилаклар билдирдилар. Тадбир сўнгида ўқувчилар барча устозларига гуллар улашдилар.**

**Назокат ХОЛМЕТОВА**

BANK XALQ BANKI

**Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири**
**ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**

*жамоаси мамлакатимиздаги барча устоз ва мураббийларни умумхалқ байрами*

## ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

*билан самимий қутлайди!*



*Келажакда буюк давлатимизнинг баркамол ёш авлодини тарбиялаш йўлида сизларга мустаҳкам соғлик, узоқ-умр, ишларингизда улкан зафарлар тилаб қоламиз!*

**«ХАЛҚ БАНКИ» – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

**РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ**

## «ҒАЛЛАБАНК»

жамоаси
Мустақил мамлакатимизнинг келажаги бўлган
баркамол ёш авлодни тарбиялаётган,
илм-маърифат зиёсидан баҳраманд этаётган
азиз мураббийларни,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия тизимида
ўзларининг самарали меҳнат ва ҳаёт йўли билан
ёш мутахассисларга ўрнак бўлиб келаётган
барча меҳрибон устозларни
**ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ –**
умумхалқ байрами билан самимий кутлайди!
Муҳтарам устоз ва мураббийлар!
Барчангизга тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат, узоқ умр,
машаққатли меҳнатларингизда
улкан зафарлар тилаб қоламиз!



**"ҒАЛЛАБАНК" ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!**

## UZMACOM GSM

**«ЎЗМАКОМ»**
**қўшма корхонаси**

**ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАРНИ**
**умумхалқ байрами билан кутлайди!**
**Дунёдаги энг эзгу тилаклар**
**Сизларга йўлдош бўлсин!**




## "ФАРОВОН"

*савдо ишлаб чиқариш компанияси*

**Муҳтарам устоз ва мураббийлар!**
**Бугунги айём билан, сизларни муборакбод этиш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз!**
**Барчангизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, машаққатли ва савобли меҳнатларингиз йўлида улкан зафарлар тилаймиз!**



**АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

# XXI АСР ПЕДАГОГЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

**Баҳром ҚОДИРОВ,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректори, техника фанлари доктори, профессор,**
**Самихон АШИРБОЕВ,**
**университет проректори, профессор**

1998 йилда ЮНЕСКО ташкилотчилигида “XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий тадбирлар” деган мавзуда ўтказилган жаҳон декларацияси янги асрда олий таълимга бўлган талаб мисли кўрилмаган даражада ўсиб бориши, яъни ёш авлод янги билим, ғоя ва кўникмаларни эгаллашда, ижтимоий-маданий ва иқтисодий тараққий этишда унинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кенгроқ англашга интилиши кучайишини таъкидлаган эди. Ҳа, XXI аср мутахассислар таъкидлашича, олий таълим олишнинг ўзига хос даври бўлиши кутилмоқда, чунки эндиликда таълим, хусусан, олий таълим ахборотлар оқими шароитида фаолиятда бўлади. Бу жараёндан олий педагогик таълим ҳам четда қолмайди, балки янги педагогик ва ахборот технологиялари кенг майдонлар бўлиб диверсификация қилинади. Бу эса бизнинг ёш давлатимиз, олий педагогик мактаб назариётчилари ва амалиётчилари олдига юксак вазифаларни қўяди.

Янги аср арафасида республикамизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши ана шу умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган масалани ечишга қаратилганлиги эндиликда барчага аён бўлиб турибди. Демак, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасидаги таълимни, хусусан, олий таълимни жаҳон олий таълимининг бир қисми сифатида унинг ривожланишинигина эмас, балки уни тўлдирган, бойитган назарий қоида бўлиб қолганини эътироф этиш мумкин бўлади. Ўтган даврда олий педагогик таълимни амалга ошириш бўйича Ўзбекистонда муайян тажрибалар тўпланди, лекин истиқлолгача ва истиқлолнинг дастлабки даврида ҳам ҳали олий педагогик таълимни ташкил этишнинг назарий ва амалий асослари яратилмаган эди. 1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида олий педагогик таълим асосларини яратишга киришилди. Университетимизга бу вазифа бежиз юклангани йўқ, албатта. Бу унинг довруғи, унинг профессор-ўқитувчилар салоҳияти, ижодкор кучларнинг йиғилганлиги ҳамда бу анъананинг узоқ йиллар мобайнида давом этиб келаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ эди. Зеро, университет олимлари халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълимнинг барча ижодий, ўқув-тарбия ишларида фаол қатнашиб келаётганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Айниқса, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни рўёбга чиқаришда университетнинг барча раҳбар ва ижодий ходимлари тинмай меҳнат қилаётганлигини эътироф этмасдан бўлмайди.

Университет бош(таянч) олий таълим муассасаси сифатида кўп қиррали фаолият юритиб бормоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам педагог кадрларга эҳтиёж бўлган ҳамда бу муаммо турли даврларда турлича ҳал этилган. Ўзбекистон Республикасида эса педагог кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсати бўлиб қолмоқда ва бу сиёсатни амалга оширишда университетнинг алоҳида ўрни бор. Шу маънода университет раҳбарияти ва унинг ижодий кучлари республикамиздаги олий педагогик таълимнинг қандай бўлиши лозимлигини ҳамда халқ таълимига, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ва олий таълимга қандай билимларга эга бўлган педагоглар зарурлигини англаб етганлар ва шу асосда унинг назарий асосларини яратишга киришдилар.

Аввал таъкидлаганимиздек, университетда республикамиздаги таниқли олимлардан иборат ижодий гуруҳ фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ижодий кучлар, аввало, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”нинг “Таълим: ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани” таълим соҳасига оид қисмини шакллантириб, бу соҳани 20 та бакалавриат йўналиши ҳамда 37 та магистратура мутахассислигидан иборат қилиб белгиладилар.. Бу рақамлар минимал бўлиб, айрим йўналиш ва мутахассисликлар таълим тили ва таълим соҳасига қараб тармоқланиши мумкин. Албатта, потенциал тармоқланиш классификаторда муайян мавҳумликларни келтириб чиқаради, шунга қарамасдан классификатордан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятлари кенг.

Университет ижодий гуруҳлари юқоридаги классификаторга кирган йўналишлар ва мутахассисликлар давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини яратдилар. Ижодий гуруҳ аъзолари томонидан ишлаб чиқилган 27 та бакалавриат йўналиши, 44 та магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари барча экспертлардан муваффақиятли ўтди ва вазирлик томонидан тасдиқланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 12 ва 28 июнда ўта муҳим бўлган қарорларни эълон қилди. Унга кўра республикамизнинг 8 та олий таълим муассасасида махсус сиртқи бўлимлар очилди. Жаҳонда андозаси бўлмаган бундай таълим шаклини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш ва бевосита ташкил этишда университет мувофиқлаштирувчи марказ этиб белгиланган эди. Университет бу вазифанинг тўла уддасидан чиқди. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ишлаб турган ўқитувчиларга махсус сиртқи бўлим орқали олий маълумот беришнинг илмий-методик асослари: “Олий таълимнинг махсус сиртқи бўлими тўғрисида Низом”, таянч ўқув режалари, жорий (ишчи) ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари, унда таълим бериш технологиялари яратилди ва жорий этилди. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича яратилган ишланмалар шу соҳада ишлаб турган ўқитувчи-талабаларга қўл келмоқда. Бу таълим шакли ҳали катта тажриба тўпламаса ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорларига ўз вақтида ва оқилона берилган жавоб деб ҳисоблаймиз ҳамда унинг барча ҳуқуқий, илмий-методик асосларини яратишда давом этамиз.

Университет Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ичида “Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани” соҳаси бўйича илк бор магистратура таълимини амалга оширган олий ўқув юртидир. Ҳозирги кунга қадар бу таълим босқичини 271 нафар магистрант битириб чиқди. Албатта, магистратура таълими бакалавриатдан тубдан фарқ қилади, зеро, магистратурадан бош мақсад илмий-педагогик кадр ва илмий ходим тайёрлашдир, яъни магистр келгусида аспирантурада ўқиш ҳуқуқини олади. Бу борада университетда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқув режасидаги барча фанлар бўйича ўқув дастурлари тайёрланди, унда кўпроқ мустақил таълимга урғу берилди, ҳар бир магистрант илмий раҳбарларга бириктириб қўйилди, бунда нафақат университетимиз профессор-ўқитувчилари, балки республикамиз, хусусан, Миллий университет, Фанлар академияси институтлари профессорлари ва фан докторлари салоҳиятидан фойдаланилмоқда, физика, астрономия, география, тарих ва бошқа мутахассисликлар таълими бевосита Фанлар академиялари лабораторияларида, бўлимларида ташкил этилмоқдаки, бундай тадбирлар фан-таълим-ишлаб чиқариш муносабатларини ўрнатишда ўта қўл келмоқда. Магистрантларнинг диссертациялари бўйича мақолалар чет эл ва республика нашрларида, “Педагогик таълим” журналида босилиб чиқмоқда. Магистрантларнинг илмий тўпламини нашр қилиш анъанага айланган.

Маълумки, магистратура таълими бўйича республикамизда катта тажриба йўқ, балки уни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш бўйича эндигина иш бошланган. Шу маънода университет раҳбарияти магистратура таълимини амалга ошириш бўйича ўз таклифларини ҳам шакллантирган. Бу борадаги айрим фикрларни ўртага ташлаган бўлар эдик. Жумладан:

1. Таълимни бошқаришга ваколатли бўлган давлат органлари Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан бирга билим соҳалари ва мутахассисликлар бўйича республикада магистрларга бўлган эҳтиёж ва талабларни ўрганиб чиқиши ва шу асосда мақсадли магистр кадрлар тайёрлаш истиқбол ва жорий режаларини ишлаб чиқиши лозим.

2. Олий педагогик таълим, яъни “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари класиффикатори”нинг “Таълим: ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани” билим соҳасига кирган магистратура мутахассисликлари бўйича таълимни фақат таянч (базавий) олий таълим муассасасида мақсадли ташкил этиш ўринли бўлади.

3. Шу муносабат билан таянч олий таълим муассасаси бакалавриат йўналишлари бўйича қабул режасини 5 фоизга камайтириб, магистратурага бўлган қабулни 2002 йилга нисбатан 20 фоизга кўпайтириш ҳамда шу орқали кафедраларни, бошқа олий таълим муассасаларини, фан чуқур ўрганиладиган касб-ҳунар коллежларини сифатли магистрлар билан таъминлаш мумкин.

4. “Таълим: ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани” билим соҳаси бўйича бакалаврлар тайёрлаётган олий таълим муассасаларига ҳам магистратурага қабул режасини бериш мумкин, лекин магистратурани мақсадли ташкил этиш, яъни таянч(базавий) олий таълим муассасасида ўташ шарти билан бериш керак. Бунда назарий ва амалий таълим ҳамда илмий — тадқиқот ишларини таянч олий таълим муассасасида, илмий-педагогик амалиётни магистрларни мақсадли тайёрлаётган олий таълим муассасасида ўташи кўзда тутилади. Диссертация ишига раҳбарликни эса ҳам таянч, ҳам мақсадли магистр тайёрлаётган олий таълим муассасаси профессорлари (фан докторлари) амалга оширишлари қоидалаштирилиши лозим.

5. Магистрларни мақсадли тайёрлаш билан боғлиқ равишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги унинг “Низоми”ни ишлаб чиқиши лозим бўлади.

6. Таянч олий таълим муассасаси қошидаги магистратура бўлими “Магистратура маркази”га айлантирилиши ва марказ директори ўқув ишлари проректори мақомига тенглаштирилиши маъқул бўлади. Магистратурада талабалар сонига мувофиқ равишда факультетлар (масалан, ҳар 100 талабага бир декан лавозими) ташкил қилиниши тўғри бўлади. Демак, “Магистратура маркази” ва унинг ички тузилмаси бўйича ҳам махсус “Низом”га ҳожат бор.

7. Магистратура таълимини амалга оширувчи олий таълим муассасасининг коэффициенти ва қолаверса, унда сабоқ берувчи профессор-ўқитувчиларнинг юкланмаси миқдори масаласи ҳам ҳал қилиниши ва бу ҳақда “Вақт меъёрлари”га алоҳида бандлар киритилиши зарур.

8. Магистратурага қабул қилишда бакалавриатдаги битирув малакавий иши, илмий, илмий-методик мақолалар, бакалавриатдаги иқтидорли талабалар сафида турганлиги, устоз-шогирд муносабатларидаги устознинг тавсияси ва бошқа ишларга ҳам рейтинг белгиланиши маъқул бўлади. Бу ўз навбатида турли тасодифлардан қутқаради.

9. Давлат таълим стандартларининг таълим мазмунида “Умумметодологик фанлар” блоки бор. Уларнинг ўқитилишини ҳам тартибга солишга зарурат сезилмоқда. Жумладан, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар” фани умумий ўрта таълимда ҳам, бакалавриатда ҳам ўтилади. Магистратурадаги бу курснинг мазмуни аввалгиларидан фарқ қилмаяпти. Бу эса фаннинг обрўсига таъсир этиши мумкин. Шу боис бу фанни ё мазмунан янгилаш ёки бакалавриатдаги билим билан чегаралаш керак. Бизнингча, бу фанни мутахассислик фанлари мазмунига сингдирган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, амалий чет тилига ажратилган соат амалий чет тилини ўрганиш учун етарли бўла олмайди, лекин магистрантлар чет тилларидан бирида ихтисослигига оид ахборотларни қабул қила олиш, мукаммал даражада шу тилда муомалада бўла олиши шартдир. Шу муносабат билан амалий чет тилини ўрганиш ва ўргатишнинг янги тартиби ўрнатилишини таклиф қилмоқдамиз. У ҳам бўлса, чет тилини ҳар бир мутахассисликнинг ўз мутахассиси ўз фани бўйича сабоқ бериш орқали ўрганишни давом эттиришдир. Албатта, бундай профессор-ўқитувчини ҳамма вақт ҳам топиб бўлмайди, шу туфайли магистратурада дарс бераётган муайян мутахассиснинг ўзини чет тилида сабоқ ўтишга тайёрлаш зарур бўлади. Бу усул Низомий номидаги ТДПУ “Астрономия” магистратура мутахассислигида ижобий натижа бермоқда. Аслида мутахассис бўлмаган чет тили ўқитувчиси амалий чет тилини ўқита олмайди.

Магистратурадаги лекциялар ва амалий машғулотга нисбатини амалий машғулотларга томон оғдириш керак, яъни талаба ўзи аниқлаган, топган, ишлаб чиққан материалларни умум муҳокамасига қўйсин ва мунозарада иштирок этсин.

Бакалавриат ва магистратурада айни бир номда фан бўлмаслиги керак деган тушунча нотўғри, балки фанлар узвийлиги ва узлуксизлиги масаласи ҳақида фикр юритилиши лозим. Бакалавриатда муайян фаннинг асослари берилиши ва магистратурада эса шу фаннинг илмий асослари тарихи, турли хил ечимлари, турли қарашлар билан ифода этилган бўлиши мумкин. Бу эса келгусида магистрга бакалавриатдаги шу фан бўйича муваффақиятли дарс олиб бориш имконини туғдиради.

Магистратура таълимида дарсликнинг талаб қилиниши ҳам нотўғри, чунки магистр турли илмий манбалардан кенг фойдаланиши, ахборотлар оқимидан ўзига зарур бўладиган билимларни териб ола билиш кўникмаларини ўзларида шакллантиришлари лозим. Эҳтимол, қўлланма (дарслик эмас) умумметодологик блокда керакдир, лекин мутахассислик фанларида уни талаб қилиш ўринсиз, балки мутахассислик фанларидан ҳар хил манбалардан фойдаланиб хрестоматиялар тузиш лозимдир, лекин хрестоматиялар ҳам магистрантни ижодий изланишдан қолдириши мумкин. Яхшиси, мутахассис чиқарувчи кафедралар магистратура ўқув режасидаги фанлар бўйича библиографик ва аннотацион қўлланмалар, ахборотлар тўплам (справочник)лари ишлаб чиқиши ўринли бўлади.

Танлов фанларини шакллантиришда магистрантнинг келгусида тор мутахассислик бўйича ихтисослашишини эътиборга олиш лозим.

Магистратурада илмий-педагогик ишларни ташкил этишга алоҳида аҳамият берилиши лозим. Илмий фаолиятнинг бу тури ҳақида махсус “Низом” яратилиши, унда давлат талабларига қўшимча равишда ва магистрантнинг мақсадли тайёрланиши ҳамда магистратура босқичида илмий-педагогик кадр тайёрланаётганлигини ҳисобга олиб, ҳар бир магистрант келгусида муайян фаннинг тўла конспектини (лекция ёки амалий машғулотлар тўплами) яратиши қоидалаштирилиши тўғри бўлади, ҳозирги кўрсатмаларда эса фақат илмий мавзуга урғу берилмоқда ва илмий-педагогик кадр тайёрлаётганлигимиз эътибордан четда қолмоқда.

Магистрантнинг амалдаги фаолиятини баҳолашга қаратилган рейтинг тизимини ишлаб чиқиш, унда 100 баллик услуб жорий этишга зарурат бор.

Университетимиз ҳаётида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-қарори алоҳида аҳамиятга молик бўлди. Бунинг ҳам ўзига яраша асоси бор, чунки университетимиз 1998 йил 24 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 77-қарори билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига педагог кадр тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси сифатида белгиланган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 400-қарорини бажариш мақсадида университет раҳбарияти кенг кўламдаги ишларни режалаштирган. Бу масала “Педагогик таълим” журналининг 2001 йилги 5-сонида махсус ёритилган ва режалар эълон қилинган. Мазкур қарор билан боғлиқ равишда университет раҳбарияти педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш ва тақсим қилиш ташаббуси билан чиқди ҳамда уч томонлама (буюртмачи-талаба-пудратчи) шартнома асосида педагог кадр тайёрлашга ўтди. Университет раҳбарияти ҳар бир битирувчи кадрга интеллектуал ресурс сифатида қараб, ундан мақсадли фойдаланишни ҳам тажрибадан ўтказмоқда. Бу назарий ишланмаларнинг натижаси ўлароқ вақтли матбуотда педагог кадрлар тўғрисида маълумот (эълон) берилди ва улар бу йилдан эътиборан тўла тақсим қилинди. Университет интеллектуал ресурс ҳисобланган ўз битирувчисига меҳнат фаолиятларида ҳам уларнинг малакаларини ошириб боришга, янги технологиялар билан қуролланиб боришларига кафил бўлиб қолади.

Университет раҳбарияти мазкур қарорнинг таркибий қисми бўлган кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

“Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш” бўйича университетда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Университетда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва раҳбар ходимларининг 4 ҳафталик ўқиши ташкил этилган, унинг барча меъёрий ҳужжатлари: ўқув режалари, давлат талаблари, ўқув дастурлари, лекция тўпламлари, ўқув-лаборатория ишлари мажмуаси яратилган, унга университетнинг етук фан докторлари, профессорлари ва тажрибали фан номзодлари жалб қилинган.

То шу даврга қадар малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази йўлланмаси билангина келиб тингловчи бўлмоқда эдилар, бошқача айтганда, бу таълим турига ҳақиқий эҳтиёжи бор ўқитувчилар эмас, балки, Тошкент шаҳар ва вилоятларга берилган режа бўйича ўқитувчилар мажбурий юборилаётган эди. Бу, албатта, университет раҳбариятини қониқтирмади, шу туфайли бу факультет ходимлари университет раҳбариятининг таклифи билан мазкур таълим турига эҳтиёж сезган, янги техника ва технологияларда ишлашга кўникма ҳосил қилиш зарурияти бўлган, янги илмий-методик ишланмаларга муҳтож бўлган тингловчиларни қидириб топиш ва уларга билим беришни кўзда тутган тадбирлар ишлаб чиқди.

Факультет янги техника ва жиҳозлар билан таъминлана бошлади, лекин бундай жиҳозларга яна эҳтиёж бор. Ўйлаймизки, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бу факультетни энг яхши академик лицей ва касб-ҳунар коллежи даражасида янги техника билан таъминлайди. Ҳозир факультет тўғри йўлни танлаб олган деб ҳисоблаймиз, лекин ижодий изланишда давом этамиз.

Биз яна бир ташаббус билан чиқдик. Шуни яхши биламизки, ўқув жараёнини замонавий педагогик технологияларсиз ташкил этиш даврдан орқада қолиш демакдир. Республикада таянч олий таълим муассасаси сифатида “Инновацион технологиялар Маркази”ни ташкил этдик. Бу Марказ 40 соатлик курс ишлаб чиқди ва ишни бошлаб юборди. Икки ўқув йили давомида бу курсни университетимизнинг 70 фоиздан ортиқ профессор-ўқитувчиси битириб чиқди. Марказда бошқа олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳам таълим олиб, ўзларининг илиқ фикрларини айтиб кетмоқдалар. Бу Марказ кўчма семинарлар ҳам уюштираяпти. Навоий давлат кончилик институти, Чирчиқ олий ҳарбий танкчилар ўқув юртидаги семинарлар муваффақиятли ўтди.

Университет академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан алоқани яхши йўлга қўйган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, унинг шаҳар ва вилоят бошқармалари билан биргаликда тез-тез илмий анжуманлар, семинарлар ўтказиляпти. Ҳозир 21 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида университетнинг кафедра филиаллари ишлаб турибди. Уларга методика, педагогика ва психология ҳамда фан кафедраларининг таниқли профессор-ўқитувчилари бевосита ёрдам бермоқдалар. Дарслик, қўлланмалар яратиш ишида ёрдам кўрсатишяпти. Уларнинг вакиллари университет Илмий кенгашига аъзо қилиб олинган.

Университетда таълим сифатини оширишга қаратилган зарур чоралар кўриб борилмоқда. Университетда 26 та бакалавриат йўналиши ва 29 та магистратура мутахассислиги бўйича таълим олиб борилади. Ўқитиш ўзбек, рус, қозоқ тилларида амалга оширилади. Жами университетда 10.300 талаба таҳсил олади.

Маълумки, таълим сифатини таъминлашда ўқув адабиётларининг аҳамияти жуда каттадир. Университетимиз олимлари ўқув режаларидан ўрин олган 430 та фан бўйича намунавий ўқув дастури, 410 та фан бўйича лекция тўпламларини нашр этиб, ўз талабаларига ва педагогика олий таълим муассасаларига тарқатдилар, ҳамон бундай ўқув адабиётларига буюртмалар келиб тушмоқда.

Республикамиз Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармонига асосан, 2002 йил апрель ойидан бошлаб “Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш Маркази” фаолият кўрсата бошлади. Марказда ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш тизимини таълим жараёнига киритиш, ўқув жараёнини бошқаришни компьютерлаштириш, ахборот тизимлари ва электрон кутубхоналар вужудга келтирилган. Ўқитилаётган 350 дан ортиқ фанларнинг маърузалар матни электрон версияга ўтказилди. Ҳозирда университет кутубхонасидаги 174 дан ортиқ электрон дарслик ва қўлланмалардан профессор-ўқитувчилар ва талабалар фойдаланмоқдалар.

Профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар, талабалар учун интернет тизимидан ва электрон почтадан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Замонавий ахборот технологиялари ва компьютер саводхонлиги курсларида 170 нафар профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номидаги давлат стипендияларига номзод 9 нафар талаба учун махсус ўқишлар ташкил қилинди ва уларни интернет технологиялари бўйича билим олишларига амалий имкониятлар яратилди.

Хорижий меҳмонлар учун уларни университет ҳаёти билан яқиндан таништиришни ташкил этиш мақсадида университетнинг презентацияли слайдлар мажмуаси яратилди.

Университетнинг интернетдаги сайтини янгилаш ва унинг масофавий ўқитиш курслари, масофавий ўқитиш Маркази, университет янгиликлари ҳақидаги ахборотлар билан доимий янгиланишини таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Электрон мультимедиали дарсликлар яратиш жараёни жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ярим йил ичида 12 та электрон адабиёт яратилди.

Марказда замонавий Pentium-I, Pentium-II, Pentium-III компьютерларидан иборат 5 та ўқув хоналари мавжуд бўлиб, университет ўқув ишларида кенг фойдаланилмоқда.

Шунингдек, Давлат Тест маркази билан алоқа ўрнатилиб, абитуриентлар билимлари масофадан туриб синалмоқда, компьютер саводхонлигига ўқитиш орқали қўшимча бюджетдан ташқари маблағлар топилмоқда.

2002 йилнинг апрель ойидан бошлаб ҳар ойда “Марказ” республика “Устоз” жамғармаси ва Очиқ жамият институти (СОРОС фонди)нинг ахборот ҳамкорлигида “Ахборотнома”сини эълон қилмоқда ва республиканинг барча олий ўқув юртларига шартнома асосида тарқатилмоқда. “Ахборотнома” замонавий ахборот ва педагогик технологиялар, фанларни ўқитиш методикаси, фан ва техника, турли фондлар грантларига оид интернет янгиликлари билан профессор-ўқитувчилар, докторант, аспирант, магистратура ва бакалавриат талабаларини таништириб бормоқда.

Шу йил 18-19 май кунлари “Устоз” республика жамғармаси билан ҳамкорликда республика олий ўқув юртлари проректорлари учун Web саҳифа яратиш бўйича амалий семинар ташкил қилинди. Очиқ жамият институти (СОРОС фонди)нинг 40.000 АҚШ доллари миқдорида грантлари асосида ташкил қилинган “Интернет технологиялари ўқув-маслаҳат маркази” ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда профессор-ўқитувчиларимиз, талабаларимиз мазкур Марказ хизматларидан фойдаланмоқдалар. Уларга интернет тизимидан ўзларининг фанларига оид янгиликларни олишларига барча шароитлар яратилган. 2002—2003 ўқув йилидан бошлаб информатика фани билан бир қаторда бошқа (гуманитар, табиий, умумкасбий ва махсус) фанларни замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитишни ташкил қилиш мақсадида университетнинг 6 та ўқув биносида ахборот технологиялари хоналари ўз фаолиятларини бошлайди ва улар ягона локал тармоқ орқали боғланади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун физика фанидан 205 та электрон плакатни ўз ичига олган компакт диск ва “Шарқ астрономия мактаби” номли электрон қўлланма тайёрланиб, республика ўрта махсус таълим муассасаларига тарқатилди.

Кутубхоналарни электронлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Китобларнинг электрон каталоги ташкил этилган. Кутубхонага Россиядан 150дан ортиқ электрон дарсликлар келтирилди. 2002—2003 ўқув йилидан бошлаб барча магистрантлар, аспирантлар ва докторантлар диссертацияларининг электрон версиялари билан кутубхонани таъминлаш режалаштирилмоқда.

Ўтган ўқув йилида университетимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни мувофиқлаштирувчи Кенгаш қошидаги Фан ва технологиялар Марказининг 2 та инновацион лойиҳаси, 2 та фундаментал тадқиқотлар танлови грантлари бўйича илмий ишлар олиб борилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан молиялаштирилган 8 та илмий лаборатория ишлаб турибди. Очиқ жамият институтининг (СОРОС фонди) грантлари асосида 2 та лойиҳа амалга оширилди.

Астрофизик кузатишлар олиб бориш учун украиналик астрономлар билан ҳамкорликда НАТО грантлари бўйича танловда иштирок этиб, ва 67.000 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши ҳақидаги қарор олинди.

Ўтган ўқув йилида республика “Устоз” жамғармаси орқали 3 нафар профессор-ўқитувчи Россия ва Сингапур давлатида малака оширган бўлсалар, 4 нафар профессор-ўқитувчи Германия, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Эрон Республикасида ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этдилар.

Европа ҳамжамиятининг ТАСИС—ТЕМПУС дастури доирасидаги лойиҳалар танловига иш топширилди ва келажакда Бухоро Давлат университети, ТДПУ ва Франциянинг 2 та университети мазкур лойиҳани амалга оширишга жалб қилинишлари режалаштирилмоқда.

НАТОнинг Афғонистон Республикасига ёрдам дастури доирасида масофавий ўқитишни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрланди ва танловларда иштирок этиш учун юборилди.

Ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича ҳали қилинадиган кўпгина ишлар мавжуд. Булар, аввало, бу соҳадаги етук мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқдир. Компьютер ва ахборот технологиялари бўйича мутахассислар етказиб бериш учун университет тўла тайёргарлик кўрган.

XXI аср педагоги даврни баҳолай оладиган, шахсни фаол фуқаролик руҳида тарбиялайдиган, илғор дунёқарашли, инсон қадри-қимматини, демократия ва тинчликни ҳимоя қиладиган, миллий истиқлол руҳида тарбияланган бўлиши талаб қилинади. Шу маънода университетда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини ҳис қилиш мумкин. Бирор кун йўққи, маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказилмаган бўлсин. Айниқса, Президентимиз томонидан “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан боғлиқ 10 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Спортчиларимизнинг ютуқлари катта: бу йилги “Универсиада”да 16 та олтин, 1 та кумуш, 4 та бронза медални қўлга киритишди. Анъанавий “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқ байрамида мунтазам ғолиб бўлиб келяпмиз.

Университет раҳбарияти ўзига юкланган вазифаларни сидқидилдан адо этиш билан бирга, ўз олдида турган муаммоларни ҳам тўла англаб етган. Улар қуйидагилар:

1. Олий педагогик таълимнинг меъёрий ҳужжатларини ривожланиб бораётган таълим мазмунига мос равишда такомиллаштириб бориш лозим. Бу вазифани ҳал қилишга ижодий гуруҳларимизнинг қурби етади.

2. Бизнинг назаримизда, босқичма-босқич олий таълим муассасаларининг автономияси, яъни таълим ва тарбия ишини мустақил юритишга ижозат бериб борилиши зарур. Жумладан, таянч олий таълим муассасаси сифатида бундай иш юритишга университетимиз жамоаси тайёр.

3. Маълумки, республикамизда педагог кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамма жойларда бир хил эмас. Бу эса уларни мақсадли тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу борада ҳам ҳукуматга ўз таклифларимизни тайёрлаб қўйганмиз.

4. Эндиликда педагогик таълим янги типдаги ўқув мажмуалари асосида ташкил этилиши давр талаби бўлиб турибди. Педагогик таълим олишга тасодифий шахсларни танлаб олиш эмас, балки унинг бевосита шу ишга қобилияти борларидан тайёрлаб бориш механизмига ўтилиши керак. Бунинг учун элита боғча — элита умумий ўрта мактаб — академик лицей // педагогик коллеж — педагогик олий таълим муассасаси мажмуалари (комплекслари)ни яратишга ўтиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Унинг меъёрий ҳужжатлари тайёрланган, фақат бундай мажмуаларнинг фаолият юритиши учун ҳукумат қарори зарур, холос.

5. XXI асрда педагогнинг туб вазифаси ҳам ўзгаради, чунки эндиликда у таълим, дарс жараёнида бош фигурадан ташкилотчи, маслаҳатчи вазифасига ўтади. Демак, то шу даврга жамиятга ҳалол хизмат қилиб келган педагогика, психология ва хусусий методикаларимиз мазмунидаги лейтмотив эркин фикрловчи ўқувчи, талабани тарбиялаш, таълим жараёнининг ташкилотчисини тайёрлашдан иборат бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун эса янгича фикрларни, дунё амалиётини таҳлил қилган, миллий қадриятларимизга асосланган педагогика яратилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ишда республикамиз ҳамда хорижлик илғор мутахассисларнинг ҳамкорлиги зарур. Бу ишда ташкилотчилик вазифасини ҳам бажаришга тайёрмиз.

Хуллас, “Қоғозсиз, қаламсиз таълим” асрига қадам қўйдик. Муаммолар жуда кўп, лекин уларни ижодкор, меҳнаткаш халқимиз бемалол ҳал қила олади ва Ўзбекистон таълим тизимини дунё таълим тизимидаги ўрнини белгилашга қудрати етади.



**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

*Мамлакатимизнинг келажаги бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялаётган барча устоз ва мураббийларни, Республика Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,*
*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларни,*
*умумхалқ байрами 1 октябр – “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” билан самимий қутлаймиз!*
*Барчага тинчлик хотиржамлик, хонадонларингизга хайру барака, мустақил мамлакатимизни янада гуллаб-яшнатиш йўлида улкан зафарлар тилаймиз!*

**1 ОКТЯБРЬ— ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

*Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили биз учун янги зарварақ бўлиб қолаяпти.*

*Мустақиллик, Озодлик халқимизга, жумладан, институтимиз жамоасига кенг имкониятлар яратиб берди.*

# ИЛМ – САОДАТ БЕШИГИ

***Илм олишни игна билан қудуқ қазишга тенглашгани бежиз эмас. Чунки, инсон яхши одам, хушхулқ киши бўлиб тарбияланиши мумкин, бироқ, салоҳиятли олимлик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Илмнинг, олимнинг жамиятга, инсоният тараққиётига фойдаси беқиёслигидан муқаддас ҳадисларда илм олишга бешикдан то қабргача даъват этилади.***

***Илмнинг саодатга элтувчи ягона тўғри йўл эканлигини фаҳмлаган аждодларимиз уни мукаммал эгаллаб, қатор йиллар дунё халқларига дарс бериб келдилар. Жаҳон меҳварини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридий, имом Замаҳшарий, имом Дарамий, Абулайс Самарқандий каби табаррук зотлар сийрати забт этди. Уларнинг бебаҳо мероси, номлари бугун бизга шукуҳ ва ғурур бағишламоқда. Ана шундай бебаҳо меросларимизни ўрганиш, миллий қадриятларимизни илм-фан тараққиётининг бугунги ютуқлари билан бойитиш, мустақил мамлакатимиз келажагига хизмат қиладиган салоҳиятли шарқшунос олимларни тарбиялашда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти жамоаси олиб бораётган муайян илмий изланишлар, амалий тажрибалар борки, бугунги саҳифамизда шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.***

## СОБИТҚАДАМЛИК



**Неъматилла ИБРОҲИМОВ, институт ректори, академик, Олий Мажлис депутати:**

— Институтимиз фаолиятига назар ташлар эканмиз, даставвал мустақилликнинг нақадар тенгсиз неъмат эканлиги кўз олдимизда гавдаланади. Негаки, чексиз имкониятларга эга бўлган ўзбек шарқшунос олимлари собиқ тузум даврида ички бир ҳаяжон, ҳадик билан яшадилар. Уларнинг билим ва тафаккурлари, хизматлари, заҳматли меҳнатлари рўшнолик кўрмади. Биргина мисол: 1918 йил ноябрь ойида ташкил этилган институт мақомида фаолият кўрсата бошлаган бу билим даргоҳи 1924 йилда Ўрта Осиё давлат университетига қўшиб юборилди. 1930 йилга келиб эса педагогика факультетига айлантирилди. Орадан бир йил ўтиб у ҳам тугатилди. 1944 йилда қайта ташкил этилган шарқ факультети йиллар давомида эътиборсиз қолдирилди. Билимга чанқоқ ёшларнинг иқтидори инобатга олинмади. Фақатгина 1991 йилга келиб, шарқшунос олимларимизнинг орзулари рўёбга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ташкил этилди.

Мамлакатимизда илм-фанга эътибор мустақилликнинг дастлабки йилларидаёноқ изчил йўлга қўйилди. Шу боис, институтимизда ўтган 11 йил ичида муайян ўзгаришларга эришдик. Шарқшунослик соҳасида турли ихтисослик ва йўналишларнинг доираси янада кенгайтирилди. Бир пайтлар университет таркибида факультет сифатида фаолият кўрсатган, фақат филология, тарих ва иқтисод ихтисосликлари бўйича мутахассис тайёрлаган билим даргоҳи бугунга келиб 12 та соҳа бўйича ёшларни ўқишга қабул қилмоқда. Илгари фақат еттита кафедра фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир институтимиздаги кафедраларнинг сони 34 тага етказилди. Араб, форс, дарий, ҳинд, урду, хитой, пушту ва уйғур тиллари билан бир қаторда япон, корейс, турк тиллари ва адабиёти ҳам ўқитилмоқда. Жами, 20 тадан ортиқ тиллар бўйича мутахассислар тайёрлаяпмиз. Талабаларга қўлёзма асарларини чуқур ўргатиш, келажакда ёзма манбалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида Манбашунослик ва матншунослик кафедраси ташкил этилди. Хорижий мамлакатлар иқтисодий алоқаларини мукаммал ўрганиш мақсадида, Халқаро иқтисодий муносабатлар, Халқаро муносабатлар кафедралари очилди. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти, Марказий Осиё мамлакатлари тарихи, маркетинг ва менежмент каби ихтисосликлар бўйича ҳам кафедралар фаолият кўрсатаяпти. Тил ўқитиш жараёнини мукаммаллаштириш мақсадида Педагогика ва шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедраси тузилди.

Ўтган йиллар мобайнида илмий текшириш институтларига салоҳиятли мутахассислар, шарқ тиллари ўқитиладиган мактаб ва лицейларга ўқитувчилар, хорижий давлатларда ишлаш учун таржимон ва дипломатия ходимларини, шарқшуносларни тайёрлаб бердик.

Институтимизни битирган ёшлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Туркия, Бельгия, Исроил, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, Миср каби жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида Ўзбекистоннинг турли дипломатик лавозимларида ишлаб қайтдилар. Бу, албатта, институтимиз жамоаси, профессор ўқитувчилари учун юксак шараф ва ғурурдир.

Аслини олганда, институтимиз фаолияти мамлакатимиз шарқшунослик фанининг шаклланиши, мукаммал тараққий этиши билан уйғунлашиб кетади. Чунки жамоамиз ўқитувчи профессорларидан илм олган ёшлар нафақат давлат идораларида, хорижий мамлакатларда, балки бевосита шарқшунослик фанини ривожлантириш жабҳаларида ҳам меҳнат қилмоқдалар. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, шарқшунослик фани учун бугунгача 400 нафардан ортиқ фан номзодлари, 80 нафардан кўпроқ фан докторлари етишиб чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Олимларимизнинг 8 нафари Ўзбекистон фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоларидир. 14 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фахрий унвони соҳиби, 12 нафари Беруний ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари лауреати бўлдилар. 7 нафар олимимиз Халқаро Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Жавоҳарлал Неру ҳамда имом ал-Бухорий номидаги мукофотларга лойиқ топилди. 8 нафар шарқшунос олимларимиз "Эл-юрт ҳурмати", "Буюк хизматлари учун", ва "Меҳнат шуҳрати" орденлари ҳамда "Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонларига эга бўлдилар.

* * *

Ҳа, дарҳақиқат шундай. Биз институт жамоаси фаолияти билан танишар эканмиз, хайрли ва сермашаққат, айни пайтда савобли ва шарафли меҳнатлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бугун бежизга шарқшунослик институтига Марказий Осиёдаги ягона шарқшунослик маркази деб таъриф берилаётгани йўқ. Бунинг боиси, жамоанинг муттасил изланишлари, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни институт фаолиятига дадил жорий этилаётганидадир. Қолаверса, талабаларнинг танланган соҳалар бўйича олаётган билимлари жараёнига илғор тажрибалар дадил жорий этилмоқда. 1991 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган кутубхона бугунгача қанчадан қанча ёшларга илм-маърифат улашмади, дейсиз. Бу ердаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фанлардан тўпланган адабиётлар, ўзбек, рус, европа ва шарқ тилларида нашр этилган китоблар ёшларнинг комил инсон бўлиб тарбия топишларига хизмат қилаётганини кўриб киши кўнгли равшан тортади. Бизга айтишларича, бугун кутубхона фондида 60 мингдан ортиқ китоблар сақланмоқда.

— Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили биз учун янги зарварақ бўлиб қолаяпти, — дейди академик Неъматилла Иброҳимов. — Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ошиб, халқаро муносабатларнинг йилдан йилга такомиллашаётгани институтимиз жамоаси зиммасига янги-янги масъулиятлар юкламоқда. Масалан, институтимиз ташкил топган дастлабки йиллардаёноқ инглиз тили кафедраси томонидан ўқитиладиган тиллар сони ортиб немис, испан, француз тиллари ҳам қўшимча ўқитила бошланди. 1995 йилда Инглиз тили кафедраси Ғарбий Европа тиллари кафедраси деб атала бошланди. Ҳозир бу ерда 23 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилаяпти. Уларнинг асосий диққат эътибори талабаларга мукаммал билим беришга қаратилган.

Марказий Осиё давлатларида ягона саналадиган кафедраларимиздан яна бир бу — Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасидир. Унинг асосий мақсади шарқ (турк, хитой, араб, форс) ва ғарб тилларини мукаммал биладиган, қўлёзмаларни эркин ўқий оладиган шарқшунос олимларни тайёрлашга йўналтирилган. Кафедрада 10 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилаяпти. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисоди кафедраси, Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти, Араб филологияси, Жанубий осиё тиллари, Эрон-афғон филологияси, Хитой филологияси, Яқин ва ўрта шарқ мамлакатлари иқтисоди, Халқаро муносабатлар, Сиёсатшунослик ва халқаро ҳуқуқ каби ўнлаб кафедраларимиз фаолияти мустақиллик йилларида янада такомиллашди ва равнақ топди.

Миллий истиқлол ғоясини ёш авлодга етказиш, улар қалбига жо қилиш биз устозларнинг зиммамиздаги энг масъулиятли хизматлардан биридир. Шу боис, 2000-2001 ўқув йилида ташкил этилган "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси бу борадаги масъулиятимизни адо этишда асосий бўғинлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Кафедрада ёшлар "Сиёсатшунослик", "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти", "Социология", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" каби фанлардан таҳсил олишаяпти.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги вазифаларнинг биринчи босқичи амалга оширилгани эътироф этилмоқда. Бу борадаги ислоҳотлар жараёнида институтимиз жамоаси ҳам фаол иштирок этаётганидан мамнунмиз. Бугунга келиб институтимиз қошида 3 та лицей очишга муваффақ бўлдик. Уларда шарқ мамлакатлари тиллари, иқтисоди, географияси, маданияти, урф-одатлари, араб-форс, ҳинд, япон, корейс, хитой, инглиз каби хорижий тиллар ўргатилади. Ўқувчилар Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари тарихидан чуқурлаштирилган дастур асосида таълим оладилар.

Институтимиз қошидаги 309-сонли академик лицей жамоасининг таълим-тарбия соҳасида талайгина ижобий тажрибалари борки, булар, ўқувчи-ёшларнинг етук мутахассислар бўлиб етишишларида асосий омил бўлаётир. Лицей ЮНЕСКО тасарруфидаги Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлиб, СОРОС Конрад Аденауэр, АКСЕЛС каби халқаро ташкилотлар билан изчил муносабатлар ўрнатган. Академик лицей фан-техниканинг энг илғор ўқув-техник воситалари билан таъминланган. Лингафон ва компьютер хоналари, кимё-физика фанидан ўқув лабораторияси, мультимедиа системаси, радио, телемарказ ва кадоскоплар билан жиҳозланган.

Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик, Озодлик халқимизга, жумладан, институтимиз жамоасига кенг имкониятлар яратиб берди. Биз бугун ана шу шарафли ишончни оқлаш йўлида дадил ва собитқадам бўлмоғимиз зарур.

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



**Абдураҳим МАННОНОВ, ўқув ишлари бўйича проректор, профессор:**

— Ислоҳотлар таълим ва фан тизимида ҳам туб ўзгаришларни юзага келтирди. Институтимиздаги ўқитиш жараёнлари тобора жаҳон таълим андозаларига яқинлашиб бормоқда. Замон талабларига ҳозиржавоб турли хил иш услублари ишлаб чиқилиб такомиллаштирилаяпти, янгилари устида изланаяпмиз. Барча олий ўқув юртларида бўлганидек, бизда ҳам талабаларга таълим бериш ва улар билимини баҳолаш рейтинг тизими асосида олиб борилмоқда. Албатта, ҳар қандай янгилик ўз ижобий самарасини беради. Жумладан, бу усул ҳам таълим тизимидаги ислоҳотларни тезлатиш, билимли мутахассислар тайёрлаш борасида анчагина ютуқларга эришишимизга олиб келди. Профессор-ўқитувчиларимиз ўз маърузаларини ҳозирги замон талаблари асосида янгитдан ишлаб чиқилган ўқув режалари асосида олиб боришаяпти. Барча ўқитиладиган фанлар бўйича тест саволлари ўқув дастурлари яратилиб, шулар асосида дарс бериш йўлга қўйилган. Айни кунларда бакалавриат ва магистратура бўйича давлат таълим стандартлари, дастурларни тўла ишлаб чиқишга эришдик.

Профессор-ўқитувчилар малакаси ва тажрибасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида ҳамда институтнинг Минтақа, тил таълими марказида таҳсил олишларини йўлга қўйганмиз.

Таълим тизимини ислоҳ қилишдаги дастурлар доирасида кафедраларимизни тўлиқ компьютерлаштиришга эришдик. Махсус компьютер хоналарида талабалар ўзлари ўқиётган фанлар бўйича турли машғулотлар ўтказиб билимларини мустаҳкамлаб борадилар. Лингафон хонаси эса ўқув жараёни учун зарур бўлган аудио ва видео аппаратлари, магнитафон ва бошқа замонавий техника воситалари асосида билим олишни таъминлайди. Талабаларнинг тил ўрганишини соддалаштириш мақсадида тиллар бўйича магнитафон тасмаларига ёзилган матн ва машқлар, диафильмлар, депозитивлар, хорижий мамлакатлар кинофильмларидан парчалар намойиш этиш имкониятларини яратдик.

Институтимиз жамоаси кўпгина хорижий мамлакатларнинг университетлари ва илмий тадқиқот марказлари билан изчил алоқа ўрнатган. Бугунгача 159 нафар ўқитувчи, 536 нафар талаба ва аспирантлар жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртлари ва марказларида таҳсил олиб қайтдилар. Айни пайтда чет эллардаги малакали мутахассислар институтимизга жалб этилиб, уларнинг билим ва тажрибалари ёшларга ўргатилмоқда. Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, АҚШ, Хитой ва бошқа мамлакатлардан келган мутахассислар тажрибаларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Талабаларимизнинг билим ва иқтидорларини рағбатлантириш мақсадида, "Шарқ тиллари билимдони" танлови жорий этганмиз. Бу танловимиз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эл элчихоналарининг ҳам назарига тушди. Масалан, ойида бир марта ўтказиладиган япон тили билимдонлари танлови учун Япония элчихонаси ўзининг махсус мукофотини таъсис этган. Шунингдек, Германия, Покистон, Миср Араб Республикаси, Хитой, Корея, Туркия каби мамлакатларнинг Ўзбекистондаги маданий марказлари ва элчихоналар ходимлари кафедралар билан биргаликда турли хил танловлар, адабий кечалар, қизиқарли учрашувлар ўтказишиб бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳозирги кунда ҳам ўнлаб талабаларимиз чет эллардаги таниқли олий ўқув юртларида тахсил олмоқдалар. 1 нафар талабамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига, яна бир нафар талабамиз Банклар ассоциациясининг махсус стипендиясига, 3 нафар талаба Навоий номли давлат стипендиясига ҳамда бир неча нафар талабаларимиз Замаҳшарий номидаги ички стипендиямизга, шунингдек, ректор стипендиясига мушарраф бўлганлар.

## ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

— Илмий тадқиқот жараёнлари ихтисослашган кафедралар, иқтидорли талабалар маркази, илмий тадқиқот марказлари, илмий тадқиқот гуруҳи, аспирантура ва доктарантура тизими орқали амалга оширилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда илмий ишлар бўйича проректор, тарих фанлари номзоди Музаффар КОМИЛОВ. — Хорижий шарқ мамлакатлари тиллари ва адабиёти тарихи ҳамда назарияси, шарқ мамлакатлари ва халқлари тарихи, шарқ мамлакатлари иқтисоди, иқтисодий алоқалар, шарқ мамлакатларида кечаётган итисодий-сиёсий жараёнлар институтимиз илмий-тадқиқот фаолиятининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Бугунги кунда фаолиятимиз қуйидаги йўналишлар асосида олиб борилаяпти:

— Ўрта Осиё маданияти ва тарихига оид арабийзабон адабий ёдгорликлари;
— Ўрта Осиё тасаввуф тариқати;
— Ўзбек тилининг тарихий луғати;
— Ҳозирги замон хорижий шарқ мамлакатларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар;
— Эркин иқтисодий зона тараққиётининг хорижий мамлакатлардаги тажрибаси;
— Шарқ фалсафаси;
— Форс кўрфази давлатларида ижтимоий-сиёсий жараёнлар;
— Мовароуннаҳрлик ислом алломалари.

Олимларимизнинг жаҳон тажрибаларидан муттасил хабардор бўлишлари, илмларини мукаммаллаштириб боришларига яқиндан ёрдам бўлиши учун хорижий мамлакатлардаги илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари билан узвий алоқаларни йўлга қўйилган. Масалан, Европа Ҳамжамиятининг INTAS дастури асосида фаолият кўрсатишни давом эттираётган Россия ва Ўрта Осиёдаги мусулмон маданияти (XIII-XX асрлар) гуруҳи, Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази билан олиб бораётган илмий ҳамкорликларимиз шулар жумласидандир. Институтимизнинг профессор-ўқитувчилари ҳар йили қатор халқаро илмий анжуманларда иштирок этадилар. Бу ҳам илмий изланишларимизни йил сайин мукаммаллаштиришимизга имкон бермоқда. Ана шундай изланишлар маҳсули бўлган "Араб тили", "Фалсафа асослари" дарслиги, "Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғати", "Арабча-ўзбекча-русча луғат", Германияда нашр қилинган "Шайбонийлар қабр тошларидаги битиклар", "Дипломатик ва консуллик хизмати", "Лутфий девонининг изоҳли луғати", "Гулханий "Зарбулмасал"инининг изоҳли луғати" каби китобларни санаб ўтиш мумкин.

* * *

Биз сизга Тошкент Давлат шарқшунослик институти фаолияти ҳақида имкониятимиз доирасида ҳикоя қилдик. Бироқ, мамлакатимизга салоҳиятли шарқшунос мутахассислар, ходимлар етиштириб бераётган бу билим даргоҳининг ибратли ишлари талайгина. Айниқса, мустақиллик йилларида институт дунёдаги қатор мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари жамоалари назарига ҳам тушиб улгурди. Бугунгача Миср Араб Республикасининг Қоҳира, Айн аш-Шамс, Ал-Асҳар, Ал-Мансура университетлари, АҚШнинг Сан-диего университети, Хитойнинг Пекин университети ва Сиан педагогика институти, Япониянинг Хоси университети, Токио чет тиллар университети, Фукусима аёллар коллежи, Фукуоко педагогика илмий-тадқиқот институти, Кореянинг Сунг-Куль университетлари билан олиб борилаётган ҳамкорликлар ижобий самаралар берди.

Япония таълим вазирлиги, Япония халқаро талабалар алмашинув маркази, Марказий Осиё маданий ва иқтисодий алмашув маркази, Кореянинг "KOICA" ташкилоти ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар билан қилинган ҳамкорликлар институтнинг ўқув жараёнларида чет эл тажрибаларини қўллаш ва улар самарадорлигига эришишга олиб келди.

Биз Тошкент Давлат Шарқшунослик институтидан бир олам таассуротлар билан қайтдик.

**Ш. КАРИМОВ**





TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI



1 OKTABR – O'QITUVCHILAR VA MURABBIYLAR KUNI

umumxalq bayrami bilan barcha ustoz va murabbiylarni, hamkasblarni, O'zbekiston Fanlar Akademiyasining olim va professorlarini, institutimizda ta'lim jarayonini tashkil etishda biz bilan hamkorlik qilayotgan xorijlik barcha olimlarni samimiy muborakbod etamiz!



Barchaga ulkan zafarlar tilab qolamiz!

# “СУРХОНДАРЁПАХТАСАНОАТ”

бирлашмаси жамоаси
барча устоз ва мураббийларни
1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни
умумхалқ байрами билан самимий табриклайди!
Шунингдек, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
профессор-ўқитувчилари жамоасини,
институтнинг юбилейи билан ҳам муборакбод этади!
Азиз устозлар, Сизларнинг таълим соҳасидаги бебаҳо тажрибаларингиз,
Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улуғвор
вазифаларни бажариш йўлидаги ғайрат-шижоатларингиз бизни доимо мамнун этади.
Бундай шарафли ва масъулиятли ишларингизда
барчангизга омад ва зафарлар тилаб қоламиз!



## БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!

*Бойлик инсоний фазилатми ёки қусурми? Бу саволларнинг жавобини, ҳамда ўз руҳиятингизнинг қоронғу нуқталаридаги сирларини ўзингиз ҳам бемалол топа оласиз.*

*Беморнинг ички аъзоларини акс эттирувчи аппарат Сандунинг ошқозонида номаълум бир жонзот борлигини кўрсатди.*



# ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

## Ko'ngil bitiklari

### ДИЛ МАЙЛИ

Чақмоқ мисол умр онлари,
Ларза солар бахт суронлари.
Ҳаёт ҳозир момақалдироқ,
Дил тоғини тарк этмас бироқ.

Осмонимда қора булутлар,
Умидимда учмас бургутлар.
Орзу қилай юртда тинчликни,
Қариндошлар ичра тенгликни.

Елда учмас умид гулларим,
Калта эмас энди қўлларим.
Танимда куч ҳамда ғайрат бор,
Кўнгил бутун, ўтирмай бекор.

Эгалладим залворли тоғни,
Сўзим-ла яратдим гулбоғни.
Даврим бирла оламан нафас,
Дилда ишқ бор — айтмасам бўлмас.

Ишқ баёнида топиб илож,
Ёр, ишқ сўзин айтмоққа муҳтож.
Адолатли мақсад туфайли,
Изҳор этмоқ асли дил майли.

**Анвара ҚОСИМОВА,**
**нафақадаги ўқитувчи**
**Сиёб тумани**

### ВАТАН

Меҳрингни жо этгум кўз қароғимга,
Токи нигоҳимда бўй чўзсин гуллар.
Севгинг айланажак дил ардоғимга.
Обод манзилларга туташсин йўллар.

Каъбам, саждагоҳим, муқаддас маскан,
Буюгим, суюгим, Онамсан, Ватан!

Чўлинг, бўстонларинг кўнглимга яқин,
Қадри осмон қадар, жон қадар азиз.

Менинг шажарамга бешиксан, ахир —
Ҳаёт мазмуни йўқ зеро, Ватансиз.

Қалбимнинг кўрида гуллаган маскан,
Азизу эъзозсан, боламсан, Ватан!

Эзгулик қасри сен, сарҳадларинг тинч,
Алпкелбат ўғлонлар содиқ, мард посбон.
Миллат ташвишида гуллайди севинч,
Завол кўрма юртим, халқим, бўл омон.

Биттамас, минг битта жон нисор бўлсин.
Ғурурим, қуддуси оламсан, Ватан.

Қудратли калом йўқ Ватан сўзидек,
Сеҳрли туйғу ҳам шаксиз бўлмагай.
Мени мафтун этмас ҳеч юрт ўзингдек,
Ватан, сенсиз асло камим тўлмагай.

Ифтихор, номус, ор ҳамда улуғ шаън,
Жоним-жаҳонимда яшайсан, Ватан.

**Моҳира ШАКАРОВА**

### ТИНЧ БЎЛСИН ЗАМИН

Бонг ургин эй башар, оламга ҳайқир!
Жаҳон аҳлини дўстликка чақир.
Янги мингйиллик қўйди қадамин,
Осмон мусаффо, тинч бўлсин замин.

Инсонлар! Яшанг ҳамжиҳат, аҳил,
Бир-бирни сақланг, бўлмангиз бахил.
Етар барчага Оллоҳ берган ер,
Фақат унутманг, унда кўп қон, тер.

Бонг ур сен-да халқ, оламга ҳайқир!
Жаҳон аҳлини дўстликка чақир.
Янги мингйиллик қўйди қадамин,
Осмон мусаффо, тинч бўлсин замин.

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ**

# РУҲ ТАҲЛИЛИ

**Инсон табиати ўта чигал ва мураккаб. Ушбу мураккаблик унинг шууридаги таъқиқнинг таъмига бўлган қизиқиш ва интилишларда ҳам ўз аксини топган. Зотан, айнан шу хусусият таъсири жаннатдаги таъқиқнинг таъмини билишга Момо Ҳавони ундаган бўлса, не ажаб?!**

**Инсоният мавжуд бўлганидан бошлаб таъқиқ тамғаси урилган иллатлардан бири бойликдир. Ҳа, ҳа, бойлик айнан иллат бўлиб, у ер юзидаги барча динларда, барча фалсафий оқимларда инсонни тубанлаштирувчи, унинг ижобий хислатларини кемирувчи ҳодиса сифатида талқин этилади. Бироқ, яна ўша таъқиқнинг ширин таъми инсонни ўз умрини бойликка бахш этишга мажбур қилади. (Табиийки, биз моддий бойликни назарда тутмоқдамиз). Унга миллион марта уқдириш, охират азоби билан қўрқитиш, маънавий тубанлик ҳақида нутқ ирод этиш, ҳаттоки, гуноҳ тушунчасини таҳлил қилиш ҳам заррача таъсир қилмайди. Чунки, Момо Ҳаводан қолган ирсий камчилик бу. Гоҳида ўйлаб қоламан, балки бойликнинг салбий ҳодиса эканлиги ҳақида аюҳаннос солишни тўхтатсак, одамлар унга ўз-ўзидан қизиқмай қолишар. Ахир, Америкада гиёҳвандликка қарши ташвиқот олиб бориладиган штатларга қараганда, гиёҳванд моддалар очиқ савдода бўлган, гиёҳвандликка қарши ташвиқот олиб борилмайдиган штатларда бу иллат сезиларли даражада кам тарқалганлиги исботланган-ку.**

**Нима бўлганда ҳам Рокфеллер, Гобсек, Қори Ишкамба кабиларга ҳар доим ҳам ҳавас, ҳам нафрат кўзи билан қараб келинган. Кўпчилик эса уларни маънавий қолоқ, эътиқодсиз ва гуноҳкор кишилар деб билишади. Аммо орамизда ушбу маънавий қолоқлик ва гуноҳкорликни тушларида ҳам кўриб чиқадиганлар оз эмас. Хўш, нега бунақа? — деган табиий савол туғилади. Ҳаттоки, истаган тақдирда ҳам ҳаммаям бой бўла оладими? Нима учун бировнинг косаси бир умр оқармайдию бошқанинг бургаси бўкиб ўлади? Бойлик инсоний фазилатми ёки қусурми? Бу саволларнинг жавобини, ҳамда ўз руҳиятингизнинг қоронғу нуқталаридаги сирларини ўзингиз ҳам бемалол топа оласиз. Биз эса, бу борада сизга баҳоли қудрат кўмаклашамиз. Фақат, унинг учун қуйидаги саволларга берилган жавоблардан ўзингизга мосларини белгилаб чиқишингиз зарур бўлади.**

### ҲАММА ҲАМ БОЙ БЎЛА ОЛАДИМИ?

**1. Ўзимдан бойроқ кишини кўрсам...**
а) ҳавас қиламан
б) ҳасад қиламан
в) нафратланаман
г) эътибор бермайман

**2. Фойда учун ўзингиз ёмон кўрган одам билан ҳам ишлай оласизми?**
а) агар фойда йирик бўлса, ҳа
б) фойданинг катта-кичиклигидан қатъий назар, ҳа
в) йўқ
г) жавоб беришга қийналаман

**3. Сизга пул нима учун керак?**
а) атрофдагилардан устун эканлигимни таъкидлаш учун
б) қорним тўқ, устим бут бўлиши учун
в) пулсиз яшаш мумкин эмаслиги учун
г) ўзимни хавфсиз ва эркин ҳис қилишим учун

**4. "Кийимга қараб кутиб олинади, ақлга қараб кузатиб қўйилади", деган ибора тўғрими?**
а) ҳа
б) йўқ
в) баъзан ҳа, баъзан йўқ
г) билмайман

**5. Қарз берасизми?**
а) ҳа
б) йўқ
в) ўзим ишонган кишилargагина бераман
г) кайфиятим ва чўнтагим яхши бўлса, ҳа

**6. Қарз оласизми?**
а) ҳа
б) йўқ
в) ўзим ишонган кишилардангина оламан
г) фақат ўта чорасиз қолган вазиятлардагина оламан

**7. Фойда кўриш учун ёлғон сўзлай оласизми?**
а) ҳа
б) йўқ
в) бу фойданинг катта-кичиклигига боғлиқ
г) бу кимни алдашимга тўғри келишига боғлиқ

**8. Бой бўлишнинг биринчи шарти нима?**
а) ақл
б) айёрлик
в) ғирромлик
г) инсоф

**9. Сизнингча, бойлик ва адолат тушунчаларини бирга тасаввур қилиш мумкинми?**
а) ҳа
б) йўқ
в) билмайман
г) бойлик ва адолат бирлашган вазиятлар фақат истисно тарзида учраши мумкин

**10. Агар лотереядан бир миллион сўм пул ютиб олсангиз нима қиласиз?**
а) олишни хоҳлаган, бироқ имкониятим етмаган барча нарсаларни сотиб оламан;
б) уни кўпайтириш йўлларини излайман;
в) яқинларим билан айшишрат қилишга сарфлайман;
г) қора кунларга асқотиб қолар деб қимматбаҳо буюм ёки долларга алмаштириб қўяман.

*Энди марҳамат қилиб берган жавобларингиз воситасида тўплаган балларингиз йиғиндисини қуйидаги жадвал ёрдамида ҳисоблаб чиқинг.*

| № | а | б | в | г |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 1 | 0 |
| 2 | 2 | 3 | 1 | 0 |
| 3 | 3 | 1 | 0 | 2 |
| 4 | 3 | 1 | 2 | 0 |
| 5 | 0 | 3 | 2 | 1 |
| 6 | 2 | 3 | 1 | 0 |
| 7 | 3 | 0 | 2 | 1 |
| 8 | 2 | 3 | 0 | 1 |
| 9 | 3 | 0 | 1 | 2 |
| 10 | 0 | 3 | 1 | 2 |

*Агар балларингиз йиғиндиси 24 дан 30 гача бўлса. Сиз ҳойнаҳой моддий муаммоларни аллақачон ҳал қилиб олган кишисиз. Агар шундай бўлмаса, яқин орада биз айтган даражага эришишингиз, шубҳасиз. Чунки сиз турли хил "майда-чуйда" ҳиссиётларга берилиб ўтирмайсиз. Маълум вазиятларда кимнингдир хафа бўлиш-бўлмаслиги сиз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Муҳими, сиз ўзингизнинг атрофдагилардан кучли ва устун эканлигингизни биласиз. Сиз бу дунёда сийратга қараб эмас, суратга қараб муомала қилинишини биласиз. Шунинг учун суратингиздаги "ялтироқлик" ва "ҳашамдорлик"ка янада урғу беришни ўйлаб бош қотирасиз. Сизнинг энг ёрқин сифатларингиз; ақл, айёрлик, совуққонлик ва бефарқликдир.*

*Агар балларингиз йиғиндиси 14 дан 24 гача бўлса, Сиз кабиларни четдагилар "ўртаҳол" деб аташади. Бу сизга бойлик нуқтаи назаридангина берилган таъриф эмас, умумий маънода берилган таърифдир. Зеро, сиз ҳамма соҳада ўртадан жой олгансиз. Сиз ўзингизни хавфсиз сезиш учун етарлича бойлик тўплаш ниятидасиз. Бироқ бу борада баъзи ҳаракатларингиз панд бериб қўяди. Масалан, инсоннинг кўнглини доимо янчиб ўтолмайсиз. Баъзида, ким билан дир соф инсоний муносабатларда бўлгингиз келиб қолади. Сиз ҳалиям инсоф, адолат ва тўғрилик билан ҳам бой бўлиш мумкин деган умидни шуурингизнинг қат-қатларидан қувиб чиқара олмагансиз.*

*Агар балларингиз йиғиндиси 4 дан 14 гача бўлса, Сиз жуда кўпчилик кишилардан фарқ қилмайсиз. Ичингизда бойиш, бой бўлиш каби истаклар мавжудлиги аниқ, бироқ Сиз ушбу истакларни қай тарзда амалга оширишни билмайсиз. Ўзингизни ва атрофдагиларни "Мен бойликка қизиқмайман, охират учун яшайман" деб алдаб келасиз. Аслида эса имконият бўлса... Биз Сизга ўз шахсиятингиз устида кўпроқ ишлашни, турли хил вазиятларда қатъий йўл тутишни маслаҳат берамиз. Инсонлар билан муносабатингиз, ўз ҳаёт йўлингизни таҳлил қилиб кўринг. Умуман олганда эса, бу маслаҳатларга амал қилмасдан ҳам бемалол бахтли яшай олишингиз мумкин.*

*Агар балларингиз йиғиндиси 4 дан кам бўлса. Сиз замонавий дарвешсиз. Кўпчилик жонини бераётган муаммо Сиз учун бир чақалик аҳамиятга эга эмас. Атрофдагилар Сизга ҳам ҳавас қилишади, ҳам раҳми келиб қарашади. Агар Сиздақалар инсониятнинг лоақал юздан бир қисмини ташкил этгандайди...*

**С.НАЗАРОВ**
**тайёрлади**

## Xullas...

### ДАРАХТ ТАГИДА УХЛАМАНГ!

Румииялик шифокорлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодисага дуч келишди: одам ошқозонида илон! Бу қандай қилиб содир бўлди экан, ақлинг бовар қилмайди.

Воқеа тафсилоти эса бундай.

Жазирама иссиқ, нафас қайтар бир дам. Винога тўйиб олган деҳқон Санду Атудорей уйда эмас, дарахт тагида мизғиб олмоқчи бўлди-да, қийшайди. Кайф зўр! Уни уйқу элитди, чақирган, туртган бефойда. Оғиз эса ланг очиқ, пашша киряптими, бошқами, Санду ҳеч нарсани сезмайди.

Алқисса, Сандунинг оғзи бир қаричча илон боласи учун мўъжизакор жой бўлиб туюлди-ю...

Давоми эса ўзингизга маълум. Безовтагарчилик, кўнгилнинг айниши, кучли даражадаги ошқозон оғриғи. Шундай пайтда фақат шифокорларгина жонга оро киришади.

Беморнинг ички аъзоларини акс эттирувчи аппарат Сандунинг ошқозонида номаълум бир жонзот борлигини кўрсатди. Тезликда операция қилинмаса, унинг ҳаёти хавф остида эди.

Яхшиямки, замонавий жарроҳлик бор! Акс ҳолда илон боласининг одам ошқозонидаги талвасаси нима билан якун топиши ёлғиз худога аён эди. Жони омон қолган Санду ҳатто душманига ҳам дарахт тагида ухламасликни маслаҳат беради.

### ХИТОЙДАГИ СЕМИЗЛАРНИНГ СЕМИЗИ

Семизлигидан нолиганлар ва озишни хоҳлаб овқат емасдан юрадиганлар тоифасига хитойлик 21 ёшли Шао Киянни қўшиб ўтирмасангиз ҳам бўлади. 182 кило вазндаги бу одам на ўзининг нафсини тияди, на спорт билан шуғулланади. "Ахир худо берган семизлик бўлса, нега бунга зид иш қилиш керак?" деб ҳисоблайди хитойлик семизларнинг семизи.

Дарвоқе, бундай дейишимизнинг сабаби бор. Яқинда Хитой пойтахти Пекинда семизлар танлови ўтказилиб, унда 400 дан зиёд даъвогар иштирок этишди. Бири-биридан юмалоқ кишиларни кузатсангиз, улар орасида нисбатан озғин деб айтиш мумкин бўлганлари ҳам бор экан. Аммо Шао Киян ўз "қариндош"лари орасида энг улкани дея тан олинди. У 2002 йилнинг энг вазни оғир кишиси бўлиб чиқди.

Ҳакамлар ҳайъати бу танловни ҳуда-беҳудага ёки семизларни томоша қилиш учун ўтказгани йўқ. "Тол-стяк"ларнинг энг катта муаммоси, бу озиш. Аммо, қўлларидан келса эканки, бир юмалаб озғин, қотма, одамга айланишса. Семизларга бу оғир муаммода ёрдам бериш керак.

Танлов ғолиби Шао эса ортиқча вазндан қутулиш бахт, деган фикрдан умуман йироқдир. "Менда ҳеч қандай муаммо йўқ" деб жавоб беради Шао журналистларга.

**ana shunaqa gaplar**


## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

*шарафли касб эгалари бўлмиш мамлакатимиз таълим тизимининг барча ходимларини*

**1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ —**

*умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этади.*

*Буюк Истиқлолимизнинг 11 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш билан бирга Қорақалпоғистон Республикасида ўрта махсус маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳам кўзга кўринарли ўзгаришлар юз берди.*

*Бугунги кунда ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфида 3 та академик лицей ва 65 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари минглаб қорақалпоғистонлик йигит-қизларни ўз бағрига олиб, илм-фан ва касб-ҳунар сирларидан воқиф этишмоқда. Уларнинг барчасида давр талабига жавоб берадиган замонавий мутахассисларни тайёрлаш учун зарур моддий-техник база яратилди.*

*Ҳурматли Ўқитувчилар ва мураббийлар!*

*Барчангизни касб байрамларингиз билан чин қалбдан табриклаб, Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт тилаймиз. Республикамиздаги барча педагог ва муҳандис-педагогларнинг олдига қўйилган муҳим вазифаларни бажаришларда катта муваффақиятлар тилаймиз.*

*Юракларингиздаги билим нурлари ҳеч қачон сўнмасин, қадрли устоз ва мураббийлар!*

## Қадрли устозлар! Ҳурматли ҳамкасблар!

***Сизларни мамлакатимизнинг умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан қутлаймиз.***

*Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, буюк келажагимиз — Ўзбекистоннинг равнақига фидокорона хизмат қиладиган, унинг юксак ва қудратли бўлиши учун курашадиган, давлат ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз истеъдоди билан Она юртни улуғлашга қодир, истеъдодли ва садоқатли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек ўз зиммасига катта масъулият юклаган барча муаллим, мураббий, устозу тарбиячиларни касб байрамлари билан табриклаб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, шарафли меҳнатларига юксак зафарлар тилаймиз.*

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**




**Ҳурматли ҳамкасбимиз Туйғун СУЛТОНОВ!**
**Сизни таваллуд айёмингиз ва муборак 40 ёшингиз билан табриклаймиз. Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими раҳбари сифатида олиб бораётган масъулиятли ишларингизда зафарлар тилаймиз.**

***Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоалари***

**Бизга тиббиёт илмидан сабоқ бераётган П.Ф.Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежи ўқитувчи ва мураббийларини 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан қутлаймиз.**

**Сиз бераётган дарс ва машғулотлар келгусида ҳар биримизнинг фаолиятимизда сув ва ҳаводек асқотади. Шу боис биз — коллежда таълим олаётган талабаларингиз Сизларга ҳамиша қуллуқ қиламиз, таъзим айлаймиз. Йўлларингиз равон бўлиб, кўзларингиздан ҳеч қачон нур кетмасин!**

**30-гуруҳнинг 1-курс талабалари**


Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатига Корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси томонидан **1999** йил **25** декабрда берган **05015703**-сон гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**Зангиота туман** ҳокимияти томонидан **2002** йилда **Хашимов Шокир Акрамович** номига берилган хусусий тадбиркорлик муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Акмал Икромов тумани ХТБ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман халқ таълими бўлими методика хонаси услубчиси

**Ниғматжон АЗИМЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.


Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-929.
Тиражи 23331 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциянерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00